БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 82 (1860)
23 АПРЕЛЬ ЯКШАНБА 1961 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги улуғ илҳомбахш ва ташкилотчи кучи!

(КПСС Марказий Комитетининг 1961 йил 1 Май Чақириқларидан).

ЛЕНИНИЗМ—ДАВРИМИЗНИНГ БАЙРОҒИ

В. И. Ленин туғилган куннинг 91 йиллигига бағишланиб, Москвада бўлган тантанали мажлисда ўртоқ П. Н. ДЕМИЧЕВ доклади

Ўртоқлар!

Коммунистик партия, Совет Иттифоқининг халқлари, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг тўқсон бир йиллигини ленинизм жаҳоншумул тарихий ғалабаларга эришган бир вазиятда нишонламоқдалар.

Ленинизм давримизнинг байроғи бўлиб қолди, социалистик воқеликка айланди, бутун инсоният коммунистик келажагининг символидир.

Бутун дунё Ленин туғилган кун йиллиги арафасида совет халқининг янги жуда буюк қаҳрамонлигининг шоҳиди бўлди.

Инсоннинг — совет кишиси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи гражданининг биринчи бўлиб космосга учганлигини бутун дунё зўр шодлик билан олқишлади.

Ватанимизнинг қудрати, социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг афзаллиги, совет халқининг баҳодир ижодий кучлари ана шу қаҳрамонликда ўз ифодасини топди.

Лениннинг иши, Ленин ғоялари СССР да кенг авж олдирилган коммунистик қурилишнинг ғалабаларида, халқ демократияси мамлакатларидаги социалистик қайта қурилишлар муваффақиятларида қудратли куч бўлиб, ғоят кенгайиб кетган жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида, миллий озодлик курашида тантана қилмоқда.

Ленин ғоялари тинчлик, демократия ва социализм учун муқаддас курашга отланган кенг меҳнаткашлар оммасини илҳомлантирмоқда.

Ленин ғояларининг ҳаётийлиги ва енгилмаслиги шундан иборатки, бу ғоялар меҳнат аҳлининг туб манфаатларини, ҳозирги даврнинг энг зарур талабларини, капитализмдан революцион йўл билан социализм ва коммунизмга ўтишнинг тарихий заруратини энг чуқур ва энг тўла ифода этади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, қардош коммунистик ва ишчи партиялар марксизм-ленинизмнинг улуғ таълимотини ҳормай-толмай ривожлантирмоқдалар ва амалга оширмоқдалар.

КПСС нинг XX ва XXI съездлари, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Кенгашлари ленинизмни ривожлантиришда катта босқичлар бўлди.

Бўлажак XXII съезд коммунизм назарияси ва практикасига катта ҳисса қўшади. Бу съезд партиянинг янги программасини — мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини қабул қилади.

Совет халқи Ленин партияси раҳбарлигида, Ленин байроғи остида ўз истиқболи сари зўр ишонч билан олға бормоқда.

«Лениннинг даҳоси,—дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев,—бизнинг коммунизм сари йўлимизни ёритиб турибди, бизни бутун инсониятнинг бахт-саодати ва тинчлиги йўлида қаҳрамонликлар кўрсатишга руҳлантирмоқда!».

СССРда кенг авж олдирилган коммунизм қурилиши—амалдаги ленинизмдир

Ўртоқлар!

Совет кишилари Ленин бошчилигидаги большевистик партия раҳбарлигида биринчи бўлиб социалистик жамият қура бошлаш каби буюк шарафга муяссар бўлдилар.

Бизнинг мамлакатимизда ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг қаҳрамонона ишлари натижасида социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилди. Совет Иттифоқи кенг авж олдирилган коммунизм қурилиши даврига қадам қўйди, барча халқларнинг порлоқ келажаги сари йўл очиб бермоқда.

Биз асл мақсад — коммунизмга яқинлаша борган сари Ленин даҳосининг кучи ҳам тобора яққол ва равшан намоён бўлмоқда. Ленин даҳоси бирдан-бир тўғри йўлни кўрсатиб берди. Бизнинг халқимиз барча социализм мамлакатларининг халқлари шу йўлдан зафарли қадам қўйиб бормоқдалар.

Ленин социалистик қурилишга эндигина киришилган чоқдаёқ Ватанимизнинг экономикаси ғоят тез ўсиб, унинг фан ва маданияти равнақ топажагини, халқ оммасининг фаровонлиги доим юксалажагини доҳиёна башорат билан олдиндан кўрган эди.

Ленин инсоният тўплаган билимларнинг ҳаммасини меҳнат аҳлига хизмат қилдиришни орзу қилган эди.

Ленин башорат қилиб айтган гаплар ҳозирги кунда рўёбга чиқмоқда ҳамда ҳайратда қоларли даражада жуда равшан ва жуда мукаммал гавдаланмоқда.

Совет Иттифоқининг буюк сиёсий, иқтисодий, илмий техника ва маданий тараққиёти бунинг ёрқин шоҳидидир.

«Восток» йўлдош кемасининг ер юзи тарихида биринчи бўлиб одам билан космос фазога учганлиги инсоният фаолиятининг ҳамма соҳаларидаги ажойиб муваффақиятларимизнинг чўққисидир.

Бизнинг бу тўғрида зўр ифтихор билан гапираётганимизга сабаб шуки, Ер атрофида космосга биринчи бўлиб учган киши бизнинг ватандошимиз, улуғ Ленин партиясининг аъзоси Юрий Алексеевич Гагариндир.

Бу тўғрида ифтихор билан гапираётганлигимизга сабаб шуки, одамнинг космосга биринчи бўлиб учиши коммунизм қураётган олимлар, конструкторлар, техниклар, ишчилар, барча совет кишилари ақл-идроки ва меҳнатининг буюк ғалабасидир.

Совет кишиларигина космосга биринчи бўлиб чиқа олганликлари сира ҳам тасодифий бир ҳол эмас.

Бу — мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлигининг, партиянинг экономика ва фанни, техника ва маданиятни ривожлантириш тўғрисида, халқимизнинг бахт-саодати тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигининг қонуний натижасидир.

Социализм ва коммунизм қуриш йўлидагина инсониятнинг чин тараққиётига эришиш мумкин.

Биз ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш билан, атом энергиясидан, синтетик материаллардан фойдаланиш билан, радиоэлектроника ва телемеханикани кенг қўлланиш билан боғлиқ бўлган фан ва техника бениҳоя гуллаб-яшнаган даврда яшамоқдамиз.

Бизнинг мамлакатимиз фан ва техниканинг ҳал қилувчи бир қанча соҳаларида дунёда биринчи ўринни аллақачон мустаҳкам эгаллаб олди.

Лениннинг социализм фанни уни бўғиб қўювчи буржуа кишанларидан халос қилади ва фаннинг чексиз тараққиёти учун истиқболлар очиб беради, деган машҳур сўзлари мисли кўрилмаган куч билан тасдиқланмоқда.

Индустрлаштириш ва электрлаштириш ленинча сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилиши мамлакатимизни қудратли индустриал давлатга айлантирди.

Совет ҳокимияти йилларида саноатнинг ялпи маҳсулоти 45 баравар кўпайди.

Совет Иттифоқи ҳозирги вақтда Европанинг Англия, Франция ва Ғарбий Германия каби йирик мамлакатларини бирга қўшиб ҳисоблаганда, улардагидан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқармоқда.

Совет кишиларининг фидокорона меҳнати, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан кенг фойдаланиш натижасида СССР саноатида меҳнат унумдорлиги даражаси жиҳатидан асосий капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди.

Бизнинг мамлакатимизда техникани тараққий эттириш учун кураш ҳақиқатан ҳам бутун халқнинг иши бўлиб қолди. Ижодий ташаббус булоқдек қайнаб тошмоқда. Масалан, қуйидаги рақамлар буни яққол кўрсатади: етти йилликнинг икки йили мобайнида 4 миллион 600 минг рационализаторлик таклифлари ва ихтиролар жорий қилинди. Бунинг натижасида қарийб икки миллиард олти юз миллион сўм иқтисодий фойда кўрилди.

Шу нарса характерлики, энг мураккаб техника масалаларини ҳал этишда олимлар, инженерлар ва техниклар билан бир қаторда ишчилар ҳам қатнашмоқдалар.

Совет ҳокимияти йилларида меҳнаткашларнинг маданий техника савияси бениҳоя ўсди.

Чор Россиясида ишчилар орасида ўрта маълумотли ва хусусан олий маълумотли кишилар йўқ эди, эндиликда совет ишчиларининг 39 проценти ўрта ва олий маълумотлидир.

Бу эса ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутлар муваффақиятли суратда бартараф қилинаётганлигини акс эттиради.

Етти йиллик планнинг бажарилиши коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш йўлида жуда муҳим босқич бўлади.

Етти йилликнинг икки йили якунлари бу етти йиллик топшириқлари бажарилибгина қолмай, балки ошириб ҳам бажарилади деб айтиш учун асос беради.

Маълумки, етти йиллик планга мувофиқ икки йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 17 процент кўпайтириш мўлжалланган эди, амалда эса саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 22,1 процент ортди.

Буржуа экономистларининг фол очишларига қарамай, Совет Иттифоқи юксак суръатлар билан тараққий этмоқда.

Кейинги 7 йил ичида Совет Иттифоқида саноат ишлаб чиқариши йилига ўрта ҳисобда 11,1 процент ўсди, ҳолбуки, АҚШ да айни вақтда атиги 2,5 процент ўсди. Бу эса, совет саноати Америка саноатига нисбатан 4-5 баравар тезроқ ривожланаётганлигини кўрсатади.

Совет кишилари етти йилликнинг учинчи йилида зўр ижодий кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар.

1961 йил биринчи квартали планининг ошириб бажарилганлиги буни яққол исбот этади. Шу давр мобайнида саноатнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 102.5 процент бажарилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан қарийб 9 процент кўпайди.

АҚШ нинг раҳбар доиралари бизнинг иқтисодий муваффақиятларимиздан ва жумладан кейинги ойларда Қўшма Штатларда қанча пўлат эритилаётган бўлса, СССРда, тахминан шунча миқдорда пўлат эритилаётганлигидан ташвишланаётганликларини яшира олмайдилар.

Барча совет кишилари шу нарса билан қувонадиларки, бизнинг экономикамиз мустаҳкам қатъий илмий план асосида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш қонунларига мувофиқ ривожланиб, азамат қадамлар билан олға бормоқда.

Совет Иттифоқи бир неча йилдан кейиноқ саноат соҳасида дунёда биринчи давлат бўлиб қолади, тахминан 1970 йилда эса аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида ҳам энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетади.

Бизнинг партиямиз совет экономикасини ривожлантириш планларини ишлаб чиққанида ҳамиша марксча-ленинча назариянинг асосий қоидаларига амал қилиб келди. Коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш учун кураш ҳал қилувчи босқичга қадам қўйган ҳозирги вақтда эса халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришга илмий жиҳатдан асосланган тарзда ёндашиш айниқса муҳимдир.

Марказий Комитет январь Пленумининг қарори, Никита Сергеевич Хрушчевнинг бу Пленумда ва қишлоқ хўжалик илғорларининг зонал кенгашларида сўзлаган нутқлари коммунистик жамиятни муваффақиятли суратда қуриш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Пленумнинг бутун иши ленинча раҳбарлик услубининг ажойиб намунасидир. Ишга ижодий ёндашиш, ташаббус кўрсатиб кенг миқёсда иш олиб бориш, партиявий принципиаллик, омма билан алоқа, омманинг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш бундай раҳбарлик учун характерлидир.

Январь Пленуми эришилган муваффақиятларни таъкидлаш билан бирга қишлоқ хўжалигидаги жиддий камчиликларни очиб берди, қишлоқ хўжалигини янада тез ривожлантириш зарурлигини ҳамда реал имкониятларини асослаб берди, бу вазифани ҳал этишнинг жанговар программасини белгилади.

Маълумки, Марказий Комитетнинг сентябрь Пленумидан кейин бизнинг қишлоқ хўжалигимиз катта муваффақиятларга эришди: экин майдонлари 46 миллион гектар кенгайди, дон етиштириш 3 миллиард пуд ортди, гўшт, сут, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам кўп даража ошди.

Аммо, қишлоқ хўжалиги социалистик саноатнинг тез ўсишидан, шунингдек аҳолининг ўсиб бораётган талабидан ҳали кейинда қолмоқда.

Яхши аёнки, оғир индустрия халқ хўжалигининг етакчи тармоғидир. Уни устун даражада ривожлантириш бундан буён ҳам партиямизнинг бош йўли бўлиб қолади.

Шу билан бирга партия халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга эришиш ва социалистик экономиканинг узлуксиз умумий юксалишини таъминлашга зўр бериб ҳаракат қилмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз қудратли индустрияга ва мустаҳкам мудофаага эга бўлган ҳозирги пайтда бу ишларга зарар етказмаган ҳолда аҳолининг ўсиб бораётган талабларини тўла қондириш мақсадида қишлоқ хўжалигини ва енгил саноатни ривожлантириш учун тобора кўпроқ маблағ ажратиш мумкин.

Моддий манфаатдорликнинг ленинча принципига муттасил риоя қилиш, меҳнатга моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг тўғри қўшиб олиб борилиши социалистик ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари каби қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳам энг муҳим шартидир.

«Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган социалистик принцип кенг авж олдирилган коммунистик қурилиш даврида ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Бу принцип ижтимоий ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг қудратли воситаси, меҳнаткашларни давлат манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялаш, кишиларни меҳнатга энг зарур ҳаётий эҳтиёж деб қарашга одатлантириш воситасидир.

(Охири иккинчи бетда).

ЛЕНИН ҲАМИША БИЗ БИЛАН!

ССР ИТТИФОҚИ БОЛЬШОЙ ТЕАТРИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Совет халқи, бутун прогрессив инсоният улуғ кунни — Владимир Ильич Ленин туғилган кунни тантанали суратда нишонламоқда.

Мамлакатимизда Ленин байроғи остида босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, Лениннинг сўнмас идеяларини амалга оширмоқ учун яна нималар қилиш кераклигини белгилаб олиш 22 апрель куни традиция бўлиб қолди.

Бу йилги апрель одатдан ташқари ой бўлди. Бу ой инсониятнинг тарихига абадий киради. Шу апрель ойида совет кишиси космосга биринчи бўлиб йўл очди. Бутун халқимиз ўзининг ижодий ютуқларини, шижоатли ишларини жонажон Коммунистик партияга бағишлаб, КПСС XXII съездига тайёргарлик кўраётган бир пайтда ана шу улуғвор илмий жасорат рўй берди. Етти йилликнинг барча шонли ишларида, бутун дунёда тинчлик учун олиб борилаётган курашда қўлга киритилган муваффақиятларда, бизни коммунизмга яқинлаштираётган ҳамма ишларда Лениннинг ўлмас таълимоти йўлимизни ёркин ёритиб турибди.

Пойтахтда эрта тонгдан қизил байроқлар ҳилпирай бошлади. Владимир Ильичнинг илҳомлантирувчи нутқлари кўп марта янграб эшитилган ССР Иттифоқи Большой театрида Москва шаҳри партия, совет ва жамоат ташкилотларининг Коммунистик партиянинг улуғ ташкилотчиси ва йўлбошчиси, Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг севикли устози ҳамда дўсти В. И. Ленин туғилган куннинг 91 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Саҳна тўрида Ильичнинг улкан портрети турибди. Унинг тепасида эса «Яшасин ленинизмнинг ғолибона байроғи!» деган шиор, «1870-1961» саналари ёп-ёруғ чироқлар билан порлаб турибди.

Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, А. Н. Косигин, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, Г. И. Воронов ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси К. Е. Ворошилов президиумга чиқадилар. Улар билан бирга партиянинг энг кекса аъзолари ҳам бор. Мажлис аҳли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларини ва президиумнинг бошқа аъзоларини гулдурос қарсаклар билан кутиб олади.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов очади.

М. А. Суслов дейдики, совет халқи ва бутун дунё меҳнаткашлари бугун Коммунистик партиянинг улуғ ташкилотчиси ва йўлбошчиси, Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг севикли устози ҳамда дўсти Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг тўқсон бир йиллигини тантанали суратда нишонламоқдалар. Лениннинг номи бутун прогрессив инсоният учун беҳад азиздир.

Лениннинг революцион фаолияти ва унинг ўлмас таълимоти жаҳон тарихининг бутун жараёнига чуқур таъсир кўрсатмоқда. Жаҳонда биринчи социалистик революциянинг ғалабаси, жаҳон социалистик системасининг ташкил топганлиги ва мустаҳкамланганлиги, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати ҳамда халқларнинг миллий озодлик курашининг буюк муваффақиятлари Лениннинг номи билан боғлангандир.

Ленин империализмнинг емирилиш ҳамда социализм ва коммунизмнинг халқаро миқёсда тантана қилиш даври—ҳозирги даврнинг марказида турибди ва шу даврнинг байроғидир.

Ленин идеялари барча мамлакатларда тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун миллион-миллион курашчиларни илҳомлантирмоқда. Авлодлар бирин-кетин ленинизмдан ҳаракат учун қўлланма олмоқдалар ва бундан буён ҳам ола берадилар. Ленинизм ёритиб турган ва социализм ҳамда коммунизмга олиб борадиган йўл тарихнинг бош йўли бўлиб қолди.

СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилганлиги, деб давом этади сўзида М. А. Суслов, Совет халқининг ўз гениал йўлбошчиси — Владимир Ильич Ленин хотирасига ўрнатган улуғвор ҳайкалидир.

Совет халқи Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг тўқсон бир йиллигини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди арафасида зўр меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазиятида кутиб олаётир. Бу съезд мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этишнинг конкрет йўлларини белгилаб беради.

КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари П. Н. Демичев доклад қилди.

Коммунистик партия, Совет Иттифоқининг халқлари, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари, дейди докладчи, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 91 йиллигини жаҳоншумул тарихий ғалабаларга эришган бир вазиятда нишонламоқдалар. Ленинизм давримизнинг байроғи бўлиб қолди, социалистик воқеликка айланди, бутун инсоният коммунистик келажагининг символидир.

КПСС нинг бўлажак XXII съезди коммунизм назарияси ва практикасига катта ҳисса қўшади. Бу съезд партиянинг янги программасини—мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини қабул қилади.

Биринчи инсоннинг космосга парвозига — совет кишисининг, СССР гражданининг парвозига бутун дунё завқ-шавқ билан қарсак чалмоқда. Ватанимиз куч-қудрати, социалистик жамият ва давлат тузумининг афзаллиги, совет халқининг баҳодирона ижодий кучлари ана шу жасоратда акс эттирилди.

Докладчи КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларининг ва шу Пленумда ҳамда қишлоқ хўжалик илғорларининг зонал кенгашларида Н. С. Хрушчев сўзлаган нутқларнинг аҳамиятини уқтириб ўтади.

Партиямиз Марказий Комитети, шахсан Н. С. Хрушчев Ленин традициясини давом эттириб ва уни ривожлантира бориб, омманинг тажрибасини ҳар томонлама ўрганмоқдалар ва умумлаштирмоқдалар. Турмушни, халқ ташаббуси билан бунёдга келтирилаётган янги ҳодисаларни чуқур билиш партияга коммунистик қурилишнинг янгидан-янги улкан проблемаларини қўйиш ва уларни ҳал қилиш имкониятини бермоқда.

Ленинизмнинг ҳақ эканлигини тасдиқловчи энг буюк замонавий фактлардан бири, деб кўрсатиб ўтади нотиқ, мустамлака асоратида бўлган кўпгина халқларнинг мустақил тарихий ижодкорлик майдонига чиққанлигидир.

Миллий озодлик ҳаракатининг кучли тўлқини шармандали мустамлака системасини емириб ташламоқда. Осиё кетидан Африка ҳам кўтарилди. Куба революциясининг ғалабаси Латин Америкасидаги миллион-миллион кишиларнинг қалбига умид бағишлади.

Куба, Конго, Лаосдаги воқеалар халқларни империализм найрангларига нисбатан ҳушёр туришга, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашаётган эркесвар халқларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш зарурлигига ўргатмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг атоқли ленинчи Н. С. Хрушчев бошчилигидаги жанговар штаби — Марказий Комитет, деб давом қилади сўзида П. Н. Демичев, Ватанимизни улуғ Ленин кўрсатган йўлдан дадил бошлаб бормоқда.

Владимир Ильич Ленин туғилганига 91 йил тўлган бугунги кунда совет халқи, бутун прогрессив инсоният, дейди пировардида П. Н. Демичев, Ленин даҳосининг улуғворлиги олдида бош эгмоқдалар, ўз йўлбошчиси ва устозининг хотирасини зўр муҳаббат ҳамда миннатдорчилик билан эсга олмоқдалар.

Мажлис аҳли баланд руҳ билан партия гимни—«Интернационал»ни айтади.

Тантанали мажлисдан кейин унинг қатнашчилари учун концерт берилди. (ТАСС).

ЛЕНИН ИДЕЯЛАРИ ЯШАМОҚДА ВА ҒАЛАБА ҚИЛМОҚДА

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Совет кишиларининг яратувчилик ишларида, коммунистик жамият қуриш соҳасидаги ишларнинг ғоят кенг миқёсларида Лениннинг ўлмас идеялари яшамоқда ва ғалаба қилмоқда. Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари улуғ йўлбошчининг ғоят қимматли васиятларини амалга оширишда халқимиз томонидан қўлга киритилган буюк муваффақиятлар учун қалбларидаги ифтихор туйғулари билан 22 апрелда Навоий номли театрда В. И. Ленин туғилган куннинг 91 йиллигига бағишланган тантанали мажлисга тўпландилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари — М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидатлар И. П. Бурмистров, Қ. М. Муртазоев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, Н. Ж. Худойбердиев президиум столи ёнидан жой оладилар. Президиумда ишлаб чиқариш новаторлари, Ильич билан учрашган кекса большевиклар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ўтирибдилар.

Мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев очади. ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларининг садолари улуғвор янграйди.

Содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Президиуми баланд руҳ билан мажлиснинг фахрий президиумига сайланади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 91 йиллиги тўғрисида доклад қилмоқ учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоевага сўз берилади.

Докладчи Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, улуғ революционер, ер юзидаги барча меҳнаткашларнинг йўлбошчиси ҳамда устози Ильичнинг номи ҳар бир совет кишиси учун ниҳоятда азиз эканлиги ҳақида гапиради. Мамлакатимиз халқлари В. И. Ленин туғилган куннинг шонли 91 йиллигини шодиёна кунларда нишонламоқдалар. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларидан руҳланган совет кишиларининг ҳамма фикр ва ишлари етти йилликнинг учинчи йил планларини муваффақиятли амалга оширишга, жонажон ленинчи партиямизнинг XXII съездини халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритиш билан кутиб олишга қаратилгандир.

Халқимиз Ленин идеяларининг ёрқин нурлари билан ёритилган йўлдан забардаст қадамлар билан бормоқда. Халқимизнинг улкан зафарлари экономика ва маданиятнинг барқ уриб ривожланаётганлигида яққол кўзга ташланмоқда, бу зафарлар Ватан фани ва техникаси тараққиётининг мислсиз юксак даражасини бутун дунё олдида намойиш этган рус баҳодири — космонавт Юрий Гагариннинг мағрурона парвозида акс эттирилгандир.

Лениннинг интернационализм ҳамда халқлар дўстлиги идеяларига содиқ бўлиш ҳақидаги таълимоти совет кишиларининг қонига сингиб кетган. Совет Иттифоқи халқлари дўстлигининг улуғ, енгилмас кучи — барча ғалабаларимизнинг асосий манбаларидан биридир. Совет Ўзбекистонининг равнақи ана шу дўстлик ҳамда Коммунистик партия доно ленинча миллий сиёсатининг яққол ифодасидир.

Совет кишилари Коммунистик партиянинг ҳормас-толмас фаолиятида Лениннинг мардонавор қалбининг уришини ҳис этиб турибдилар. Партия совет халқининг коммунистик жамият барпо этиш йўлида олиб бораётган қаҳрамонона курашига бошчилик қилиб, Ленин васиятларига муттасил амал қилмоқда, марксизм-ленинизмни ижодий тарзда ривожлантирмоқда, тарихий тажрибаларни умумлаштириш асосида уни янгидан-янги қоидалар ва хулосалар билан бойитмоқда. Ленин сафдошлари ва шогирдларининг шонли сафида унинг фазилатларини кўриб турибмиз. Коммунистик партия, Совет давлати ҳамда бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли раҳбари Никита Сергеевич Хрушчевнинг фаолиятида ана шу фазилатлар айниқса яққол намоён бўлмоқда.

Докладчи Ленин башоратларининг гениаллиги ҳақида, Ленин таълимотларининг бутун инсониятнинг тақдири учун жуда катта аҳамияти ҳақида гапириб, халқаро миқёсдаги кучлар нисбатида юз берган жуда катта ўзгаришларни характерлаб берадиган маълумотларни келтиради. У, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг ўтган йилнинг охирида Москвада бўлиб ўтган Кенгашининг қарорларини эслатиб ўтади. Бу қарорларда шу нарса уқтириб ўтиладики, ҳозирги давр — социалистик революциялар ва миллий озодлик революциялари давридир, империализмнинг емирилиши, мустамлака системасининг тугатилиши давридир, тобора янгидан-янги халқларнинг социализм йўлига ўтиши, социализм ҳамда коммунизмнинг жаҳон миқёсидаги тантанаси давридир. Халқларнинг тинчликни ҳимоя қилиш учун ҳаракати бутун дунёда ғоят кенг қулоч ёймоқда. Бу эса замонамизнинг илғор идеологияси бўлган марксизм-ленинизмда бутун инсониятнинг энг ҳаётий, энг зарур манфаатлари ифодаланганлигини яна бир марта кўрсатиб турибди. Осиё ва Африка мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати кўламлари кун сайин кенгаяётганлиги, Куба халқи интервентлар устидан ғалаба қилганлиги—тарих Ильич томонидан олдиндан кўрсатиб берилган йўлдан ривожланаётганлигининг янги далилларидир.

З. Р. Раҳимбобоева ўз докладини тамомлар экан, Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни характерлаб беради. Бу йилни, КПСС XXII съезди бўладиган йилни, дейди у, хўжалик ҳамда маданий қурилиш соҳасида янгидан-янги ғалабалар билан нишонламоқ, Ватанга 3 миллион 200 минг тонна пахта бермоқ, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча миқдорда кўпайтирмоқ — республика меҳнаткашларининг шон-шараф ишларидир.

Докладчининг мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, тинчлик, демократия ва социализмнинг бузилмас қўрғони — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шарафига, Ленин томонидан яратилган ҳамда коммунизм қурилиши учун курашда совет халқининг буюк илҳомлантирувчи ва ташкилотчи кучи бўлган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига айтган табрик хитобларини бу ерда ҳозир бўлганлар қарсаклар билан кутиб оладилар.

Гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев номига табрикнома қабул қилинди.

Мажлис ёпиқ деб эълон қилинади. Зал гумбазлари остида партия гимни — «Интернационал» садолари янграб эшитилади.

* * *

Тантанали йиғилиш қатнашчиларига катта байрам концерти қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

Польша Халқ Республикаси элчихонасида қабул маросими

МОСКВА, 21 апрель. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Болеслав Яшчук Польша билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги даврда ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланганига 16 йил тўлиши муносабати билан бугун катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Н. Г. Игнатов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Н. Органов, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, Совет Иттифоқи Маршаллари ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида социалистик мамлакатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва элчихоналарининг ходимлари бор эди.

Польша Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Болеслав Яшчук ва КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Г. Игнатов дўстона нутқ сўзладилар.

Қабул маросими самимий, қизғин ва қардошлик вазиятида ўтди.

ЛЕНИНИЗМ—ДАВРИМИЗНИНГ БАЙРОҒИ

(Боши биринчи бетда).

Биз моддий манфаатдорликнинг ролини бундан буён ҳам оширишимиз зарур. Аммо шу билан бирга халқни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялай бориб маънавий стимулларни зўр бериб ривожлантириш ва ғоявий-сиёсий ишни кучайтириш керак.

Партия январь Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасида ташкилотчилик ишларини ғоят кенгайтириб юборди.

Қишлоқ хўжалигига ва саноатнинг қишлоқ хўжалигини техника ҳамда химикатлар билан таъминловчи соҳаларига ажратилаётган капитал маблағлар кўпайтирилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электрлаштириш соҳасидаги ишлар кенг миқёсда кучайтирилмоқда.

Кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялаштиришда, қишлоқ маданиятини юксалтиришда шаҳарнинг қишлоққа ёрдами кучайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик министрлиги қайта ташкил этилмоқда. Бундан кузатилган мақсад—қишлоқ хўжалик органларини фан ютуқлари ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилиш марказларига айлантиришдан иборат.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг янги системаси, шунингдек колхоз ва совхозларга машиналар, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника воситалари сотишнинг янги тартиби жорий қилинмоқда.

Ана шу янги ташкилий формалар колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг афзалликларидан тўлароқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига малакали раҳбарлик қилинишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришга оммани бевосита ва кенг қатнаштириш имконини беради.

Партия Лениннинг васиятларини доим бажариб, кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Партия кадрлардан омма билан ишлай билишни, оммадан ўрганишни талаб этади.

Барча категориялардаги раҳбарлар назарий ва сиёсий тайёргарлик билан бир қаторда ўзлари ишлаб турган соҳани, янги техника ва янги технологияни, илғор тажрибаларни яхши билиб олишлари керак. Аммо, билибгина қолмай, балки барча илғор билим ва тажрибаларни халқ хўжалигига зўр ғайрат билан татбиқ этиш ҳам керак.

Партия маҳаллий илғор тажрибаларни, омманинг ижодини ўрганиш ва умумлаштиришга қандай катта эътибор бераётганлиги маълум.

Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ бундай деган эди: «Амалий тажрибада хилма-хиллик ва уни ўрганиш кўпроқ бўлсин. Шундай шароитлар бўладики, жойларда ишнинг, гарчи жуда кичкина бир миқёсда бўлса ҳам намунали суратда қўйилиши, марказий давлат ишларининг кўп соҳаларига қараганда, давлат миқёсида олганда кўпроқ аҳамиятга эга бўлади» (Асарлар, 32-том. 394-395-бетлар).

Партиямизнинг Марказий Комитети, шахсан Никита Сергеевич Хрушчев ана шу ленинча традицияни давом эттирган ва ривожлантирган ҳолда омманинг тажрибасини ҳар томонлама ўрганмоқдалар ва умумлаштирмоқдалар. Ҳаётни, халқ ташаббуси вужудга келтирган янги ҳодисаларни чуқур билиб олиш партияга коммунистик қурилишнинг янги буюк проблемаларини қўйиш ва ҳал этиш имконини беради.

Партия фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилишни давлат аҳамиятига эга бўлган иш даражасига кўтарди. «Илғорларнинг тажрибаси барча кишилар орасига кенг ёйилсин!» деган шиор остида давом этаётган ҳаракат ҳақиқатан ҳам умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.

Бизда ўз меҳнати билан вақтдан ҳам ўзиб кетаётган, жуда катта муваффақиятларга эришаётган кишилар эътибор ва ҳурматга сазовордирлар.

Марказий Комитет январь Пленумининг қарорлари, Пленумда ва Никита Сергеевич Хрушчев қатнашган зона кенгашларида ошкора айтилган амалий гаплар қишлоқ хўжалик ходимларига янги куч ва ғайрат бағишлади.

Совет кишилари Пленумнинг қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар.

Бутун мамлакатда ҳар йили харид қилинадиган ғаллани 4 миллиард 200 миллион пудга, гўштни 13 миллион тоннага, сутни 50 миллион тоннага етказиш, камида бир миллиард пуд маккажўхори дони олиш, яқин йиллар ичида яна саккиз миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кескин суратда кўпайтириш йўлидаги кураш кенг авж олди.

Коммунистик партиянинг бутун фаолияти совет кишисининг бахт-саодатига бағишланган.

Моддий имкониятларимиз ортиб борган сари партия халқ фаровонлиги дастурхонини доим тўкин қилиш вазифасини янада зўр қатъият билан илгари сурди.

Никита Сергеевич Хрушчев коммунистик қурилишнинг моҳиятини, партиямиз сиёсатининг моҳиятини очиб бериб бундай дейди: «Содда ва равшан қилиб айтиладиган бўлса, коммунизм—бу меҳнаткашлар учун, ҳар бир киши учун энг яхши турмуш демакдир... Ҳамма меҳнаткашлар яхши яшайдиган бўлишлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал, уй-жой, кишиларнинг маданий талабларини қондириш учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси — китоблар, театрлар, кинолар етарли миқдорда бўлиши лозим. Шу сабабли бизда саноат ҳам, қишлоқ хўжалиги ҳам тез суръатлар билан ривожланиши, баб-баравар қадам ташлаб бориши лозим».

Совет кишиларининг фаровонлиги тўхтовсиз ўсмоқда. Меҳнаткашлар меҳнат ҳақи сифатида олаётган даромадлар ортиб бориши билан бирга ижтимоий истеъмол фондлари ҳам кўпаймоқда.

Бепул билим олиш ва соғлиқни сақлаш ишлари, иш кунининг қисқартирилганлиги, пенсия таъминоти, барча солиқларнинг секин-аста бекор қилинаётганлиги, уй-жой ва маданий-маиший қурилишнинг мислсиз кенгайтириб юборилганлиги — буларнинг ҳаммаси бизда одатдаги иш бўлиб қолди ва айни вақтда капитализм дунёсидаги меҳнаткашларни қойил қилмоқда.

Совет Иттифоқида турмуш даражаси жуда юксак бўлиб қоладиган, биз бутун дунёга «Мана, кўринглар, одамнинг турмушига сингиб кетган коммунизм шунақа бўлади!» деб айтишимиз мумкин бўлиб қоладиган вақт узоқ эмас.

Ҳамма қитъалардаги юз миллионлаб одамлар онгида «социализм», «марксизм-ленинизм» деган тушунчалар ниҳоят даражада улкан иқтисодий ва социал тараққиёт ифодаси бўлиб, равнақ топган фан ва маданият, меҳнаткашларнинг бахтиёр ва ёлчитилган турмушининг ифодаси бўлиб, халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва дўстлик ифодаси бўлиб тобора маҳкам ўрин олмоқда.

Ленин, социализм жаҳон тараққиётининг боришига жуда катта ва тобора кенг миқёсда таъсир ўтказадиган бўлиб қола беради, деб айтган эди. Лениннинг олдиндан айтиб қўйган бу доҳиёна сўзлари рўёбга чиқди.

Империалистлар бизнинг воқелигимиз тўғрисидаги ҳақиқатдан оловдан қўрққандек қўрқадилар. Капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг онгини ёлғонлар билан чувалтиришга интиладилар. Лекин ҳақиқатни яшириб бўлмайди!

Ҳақиқат шундан иборатки, озодликка чиқиб олган халқ социалистик ўзгаришларнинг самараларидан баҳраманд бўлиб, ўз экономикасини, фан ва маданиятини капиталистик мамлакатларнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган суръатлар билан ривожлантирмоқда.

Ҳақиқат шундан иборатки, социалистик жамият кишиси чинакам эркин бўлиб қолди. Одамларнинг талантларини, қобилиятларини ривожлантирмоқ учун тарихда биринчи марта чексиз имкониятлар вужудга келтирилди. Эркин инсоннинг ақл ва заковоти табиат кучларини, атом сирларини очиб, халққа хизмат қилдирмоқда, космосга йўл солмоқда.

Ҳақиқат яна шундан иборатки, социализм шароитида меҳнаткашлар тарихда биринчи бўлиб моддий бойликларни яратувчи меҳнат армияси сифатидагина ўзларини кўрсатиб қолмай, шу билан бирга, шу бойликларнинг бирдан-бир тўла ҳуқуқли эгаси бўлиб, ҳукмрон куч бўлиб, ўз мамлакатининг, ўз турмушининг, ўз тақдирининг хўжайини бўлиб ҳам ўзларини кўрсатмоқдалар.

Ленин олдиндан кўриб айтиб қўйганидек, эндиликда миллионлаб ва ўн миллионлаб кишилар тарихни мустақил равишда яратмоқдалар.

Совет кишиларининг активлиги ва ташаббускорлиги сира мисли кўрилмаган равишда барқ уриб кучаймоқда, жамоат ташкилотларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги роли ошмоқда.

Социалистик давлатнинг коммунистик жамоат бўлиб ўзини бошқаришга аста-секин ўсиб ўтаётганлиги мана шунинг ўзида яққол намоён бўлмоқда.

Бизнинг партиямиз ўзининг улуғ асосчиси ва йўлбошчиси васиятларига амал қилиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга, янги инсонни шакллантиришга катта эътибор бермоқда.

Партия идеология ишларининг таъсирчанлигини ошириш ва уни кенг қулоч оттириш учун, бу ишларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан, халқ турмуши билан боғланишини мустаҳкамлаш учун зўр бериб курашмоқда.

Ленин айтган эдики, кишиларни меҳнатда тарбиялаш, коммунизм қурилишини мустаҳкамламоқ ва тугалламоқ учун кураш асосига қурилган янги, коммунистик ахлоқни вужудга келтириш уларнинг онгини ва хулқ-атворини ўзгартириш соҳасида олиб борилаётган жамики ишларнинг марказида туриши лозим.

Ленин социалистик мусобақанинг жуда катта аҳамияти борлигини кўрсатиб берди. Коммунизмнинг куртаклари, коммунистик келажакнинг белгилари мана шу социалистик мусобақа жараёнида туғилади, ривожланади ва ғалаба қилади.

Ҳозирги вақтда коммунистик меҳнат ҳаракатида бир неча ўн миллиондан кўпроқ киши қатнашмоқда, улар коммунистларча ўқишни, ишлашни ва яшашни ўзларига жанговар шиор қилиб олдилар.

Янги формалар билан бойиган умумхалқ социалистик мусобақаси оммавий қаҳрамонликни, минглаб ва миллионлаб меҳнат қаҳрамонларини вужудга келтирмоқда.

Ўз шаҳарларини, ўзлари кўникиб қолган ишларини тарк қилиб, қўриқ ерлардаги ҳали обод бўлмаган р а й о н л а р г а, Сибирь ва Шарқдаги қурилишларга жўнаб кетаётган совет йигитлари ва қизларининг завқи ва ғайратини буржуа обивателлари сира тушуна олмайдилар.

Уларни бундай қилишга очлик ва муҳтожлик мажбур қилаётгани йўқ, улар Ватан олдидаги ўзларининг бурчларини ватанпарварлик билан ҳис қилганликлари учунгина мана шундай шонли сафарларга отланмоқдалар.

Совет кишисини тарбиялашда п а р т и я м и з эришган энг улкан ғалаба мана шунинг ўзи эмасми, ахир!

Партия ва унинг Марказий Комитети теварагида яхлит монолит бўлиб маҳкам жипслашган совет халқи XXII съездни кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Совет халқи янги марраларни белгилаб олмоқда, фойдаланилмасдан ётган резервларни топмоқда, етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун курашни кучайтирмоқда.

Умумхалқнинг съезд олди мусобақаси тобора зўр куч билан авж олмоқда.

Партия XXII съезди шарафига социалистик мусобақа байроғини биринчи бўлиб кўтариб чиққанлар орасида москваликлар ҳам бор.

Машинасозлар ва тўқимачилар, металлурглар ва кимёгарлар, транспортчилар ва бинокорлар, олимлар ва конструкторлар — хуллас Москванинг бутун меҳнат аҳли фахрли съезд олди вахтасида туриб ишлай бошлади.

Ленин туғилган куннинг 91 йиллиги нишонланаётган ҳозирги кунда мана шу юксак минбардан туриб шуни айтиш мумкинки, пойтахт меҳнаткашлари етти йилликнинг учинчи йилидаги ўз мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Москва саноати 1961 йил биринчи кварталининг топшириқларини муддатидан олдин бажарди.

Бинокорлар ҳам ўзлари берган ваъданинг устидан чиқдилар: улар 700 минг квадратметр уй-жой биноларини, янги мактаблар, касалхоналар, яслилар, магазинларни қуриб топширдилар.

Москванинг қиёфаси кўз ўнгимизда ўзгариб ва тобора гўзаллашиб бормоқда. Москвада қурилиш ва ободончилик ишлари ҳеч қачон ҳозиргидек кенг миқёсда авж олмаган эди.

Ҳозирги вақтда пойтахтда ҳар йили 1948 йилдагига қараганда ўн баравар кўп уй-жой майдони қурилмоқда. Янги кварталлар, магистраллар, бутун-бутун районлар вужудга келтирилмоқда.

Совет кишилари партия ва ҳукуматнинг катта Москвани вужудга келтириш тўғрисидаги қарорини чуқур миннатдорчилик ҳислари билан кутиб олдилар.

Москваликлар ҳам шуни яхши биладиларки, жонажон пойтахтни ер юзидаги энг обод, энг маданий, энг намунали шаҳарга айлантирмоқ учун улар ҳали жуда ва жуда кўп меҳнат қилишлари керак.

Ўртоқлар! Бизнинг халқимиз 1917 йилнинг октябрида революцион қаҳрамонлик мўъжизаларини, граждан уруши фронтларида мардлик ва ботирлик мўъжизаларини, улуғ Ватан уруши йилларида қатъиятлик, фидокорлик ва Ватанга содиқлик мўъжизаларини кўрсатди. Халқимиз қолоқ, кучсиз ва ожиз Русьни ўз меҳнати билан жаҳоннинг илғор давлатига айлантирди. Шундай азамат яратувчи халқ ўз жонажон партиясининг ва партия ленинчи Марказий Комитетининг етакчилигида коммунизмни қуриб туғаллайди!



Кенгаш жаҳон тараққиётини ленинча анализ қилишга асосланиб, ҳозирги даврнинг хусусиятларини таърифлаб берди.

«Замонамизнинг асосий фарқли белгиси шундан иборатки, — дейилади Кенгашнинг Баёнотида, — **жаҳон социалистик системаси инсоният жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи факторига айланмоқда».**

Коммунистик ва ишчи партиялар Кенгашидан кейин орадан ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Бироқ, шу қисқа муддатнинг ўзи ҳам Кенгашнинг ҳужжатларида баён қилинган қоидалар ва хулосаларнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатди.

Жаҳон миқёсидаги кучларнинг нисбати социализм фойдасига тўхтовсиз ўзгариб бораётганлигини исботловчи янгидан-янги далилларни турмуш кўрсатиб турибди.

Социалистик мамлакатлар, аввало, ўзларидаги хўжалик қурилиши билан, капиталистик система билан бўлаётган иқтисодий мусобақадаги ўзларининг муваффақиятлари билан жаҳон тараққиётининг боришига таъсир ўтказмоқдалар.

1960 йилда социалистик лагерь мамлакатларида саноат маҳсулоти чиқариш урушдан олдинги даражадан қарийб етти баравар ошиб кетди, капиталистик мамлакатларнинг маҳсулоти эса, шу давр ичида салкам 2.5 баравар кўпайди, холос.

Социализм ҳиссаси жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг ўндан бир қисмигагина тўғри келганидан буён кўп вақт ўтдими? Ҳозирги вақтда эса социалистик мамлакатлари бутун жаҳондаги саноат маҳсулотининг учдан бир қисмидан кўпроғини ишлаб чиқармоқдалар. Социалистик система ишлаб чиқаришнинг абсолют миқдори жиҳатидан яқин вақт ичидаёқ капиталистик системадан ўзиб кетади.

Социализм янгидан-янги муваффақиятларга эришаётган бир вақтда, капитализм тобора кўпроқ чириш ва тушкунлик йўлига қулаб кетмоқда.

Энг кучли капиталистик давлат — АҚШ урушдан кейинги йилларда тўртинчи марта иқтисодий кризисни бошидан кечираётганлиги очиқ кўриниб турган шундай факт бўлиб қолдики, капитализм тарафдорлари бу фактни инкор қила олмайдилар.

Доимий тус олган, муттасил ўсиб бораётган ишсизлик Америка ишчилар синфи учун чинакам офат бўлиб қолди. АҚШ да батамом ишсиз бўлиб қолган кишиларнинг сони беш миллиондан ошиб кетди. Мамлакатнинг ишсизлар айниқса кўп бўлган, юзга яқин асосий саноат районлари «кулфат ичида қолган» районлар деб расмий равишда эълон қилинди.

Урушдан кейин монополиялар, аввало, Америка монополиялари экономикани ҳарбийлаштириш, зўр бериб қуролланишни авж олдириш йўли билан ишлаб чиқаришнинг юксак даражасини сақлаб қолишга, иқтисодий кризислардан ва ишсизликнинг ўсиб боришидан қутулиб қолишга умид қилган эдилар.

Улар ҳарбий заказлар натижасида иш кўпайганлиги ишчилар синфининг курашини сусайтириб қўяди, деб, полиция репрессиялари воситаси билан ишчилар ҳаракатини бостиришга, коммунистик партияларни бўғиб қўйишга муваффақ бўламиз, деб мўлжаллаган эдилар.

Улар «зўравонлик позицияси»га таянувчи сиёсат ўтказиб, социалистик лагерь қудратига путур етказишга интилган эдилар.

Лекин уларнинг бу мўлжаллари пуч бўлиб чиқди. Экономикани ҳарбийлаштириш, зўр бериб қуролланиш, урушга тайёргарлик йўлини ўтказиш империализмнинг позициясини янада заифлаштирмоқда, меҳнаткашлар оммасида империализмга нисбатан тағин ҳам каттароқ нафрат туғдирмоқда.

Уларнинг социализм кучларига путур етказиш учун қилган уринишларига келганда, бу уринишлар батамом барбод бўлди.

Социализм мамлакатлари ўзларининг монолит бирликлари билан кучлидирлар. Социализм лагери фақат ўткинчи муваққат манфаатлар билангина боғланган давлатларнинг оддий коалицияси эмас.

Социалистик мамлакатлар иқтисодий, социал ва сиёсий тузумнинг умумийлиги, марксизм-ленинизм идеологиясининг умумийлиги, манфаатлар ва мақсадларнинг умумийлиги билан бирлашган мамлакатлардир.

Социализм дунёси — пролетар интернационализмининг жонли ифодасидир.

Ленин бундай деган эди: «Эски дунёга, миллий зулм, миллий низолар ёки миллий айиримлик дунёсига ишчилар ҳамма миллат меҳнаткашларининг бирлашган дунёсини қарши қўядиларки, бу дунёда биронта ҳам имтиёзга, кишини кишига заррача ҳам эзишига ўрин бўлмайди» (Асарлар, 19-том. 78, 79-бетлар).

Социалистик мамлакатларнинг қудратли ҳамкорлигида вужудга келган ҳозирги вақтдагидек жипслик инсоният тарихида бўлмаган эди.

Владимир Ильич Ленин ишчиларнинг бутун дунёда коммунизм учун олиб бораётган синфий курашидаги бирлик жуда катта аҳамиятга эга эканлигини хормай-толмай кўп марталаб уқтириб ўтган эди.

Социалистик мамлакатларнинг халқлари ўзларининг марксчи-л е н и н ч и партиялари раҳбарлигида социализм ва коммунизм қураётган, ишчилар синфи олдида жаҳоншумул тарихий вазифалар турган ҳозирги вақтда коммунистик ва ишчи партиялар бирлигининг аҳамияти тағин ҳам кўпроқ ортмоқда.

Коммунистлар социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, халқ оммасини пролетар интернационализми руҳида, халқлар дўстлиги ва қардошлиги руҳида тарбияламоқдалар.

Коммунистик партиялар миллий чекланиш кўринишларига қарши изчиллик билан кураш олиб бориб, социалистик давлатларнинг бирлигини, ҳамкорлигини ва бир-бирига ёрдамлашувини ҳар томонлама мустаҳкамламоқдалар.

Коммунистик ҳаракат ўзининг ҳамма ғалабаларига марксизм-ленинизмга содиқлиги туфайли эришди. Коммунистик партиялар Ленин таълимотига амал қилиб, бу таълимотни янги тарихий даврга татбиқан янада ижобий ривожлантириб, коммунизм ғалабаси учун курашда жуда катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ҳозирги вақтда дунёда ўз сафларида 36 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштириб турган 87 та марксчи-ленинчи партия бор.

Курашчиларнинг бу жуда катта армияси фақат ўзининг миқдори билангина кучли бўлиб қолмасдан, яна, энг муҳими, ўзининг жанговарлик руҳи билан, мустаҳкам бирлиги, марксизм-ленинизм ғояларига содиқлиги билан ҳам кучлидир.

Коммунистик ҳаракат ленинизм байроғи остида замонамизнинг энг таъсирли сиёсий кучига айланди. Коммунистлар социалистик мамлакатларда ҳокимият тепасида турибдилар, капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига бошчилик қилмоқдалар, миллий озодлик ҳаракатининг олдинги сафида бормоқдалар. Ҳозирги замоннинг туб проблемаларини тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм манфаатларини кўзлаб ҳал қилмоқ учун янги, тағин ҳам қулай имкониятлар пайдо бўлди.

Ўртоқлар! Мустамлака қуллигида ётган кўп халқларнинг мустақил тарихий ижодкорлик майдонига чиққанлиги ленинизмнинг ҳақ эканлигини исботловчи замонимизнинг энг улуғ фактларидан биридир.

Ленин шуни кўрсатиб бердики, социалистик революциялар империализм системасига рахна солиб ва уни заифлаштириб, мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг ажнабий золимлар устидан ғалаба қозонишини осонлаштиради, уларга эркинликни қўлга киритиш ва мустақил миллий ривожланиш йўлига тушиб олиш имкониятини очиб беради.

Улуғ Октябрь революциясининг ғалаба қилганлиги ҳамда Европа ва Осиёнинг бошқа бир қанча мамлакатларида социалистик революциялар ғалаба қилганлиги империализм позициясига зўр путур етказди, миллий озодлик ҳаракатининг юксалиши учун қулай шароит вужудга келтирди, халқларни озодлик учун курашга руҳлантирди.

Мустамлакачиликнинг ҳалок бўлиши айниқса жаҳон социалистик системаси вужудга келганидан кейин жуда тезлашди. Урушдан кейинги даврда бир ярим миллиард аҳолиси бўлган ўнлаб мамлакатлар ажнабийларнинг қуллигига абадий хотима берди.

Миллий озодлик ҳаракатининг даҳшатли тўлқини бу шармандали системани емириб ташламоқда. Осиё кетидан Африка бош кўтариб чиқди. Ғоят халқчил революция бўлган Куба революциясининг ғалаба қилганлиги Латин Америкасидаги миллион-миллион кишиларнинг қалбида умид оловини ёндирди.

Лениннинг социалистик ва антиимпериалистик революциялар, миллий озодлик революциялари бир-бирига боғлиқ, деган ғояси яшамоқда ва ғалаба қилмоқда.

Озодликка чиқиб олган халқлар ўз тажрибаларида шуни кўриб ва билиб турибдиларки, социалистик мамлакатлар, коммунистик ва ишчи партиялар миллий мустақиллик учун, империализмга қарши олиб борилаётган муқаддас курашда шу халқларнинг энг содиқ дўстлари ва иттифоқчиларидир.

Мустамлакачилик оғир мағлубиятларга учради, лекин у ҳали тирик ва янги уруш хавфини туғдираётган жуда кўп можароларга манба бўлмоқда. Конгонинг миллий қаҳрамони Патрис Лумумба ўлдирилганлиги, Жазоирдаги жиноятлар, Лаосдаги воқеалар, Кубага қилинган қуролли босқинчилик мустамлакачиларнинг дарғазаб бўлиб ва ақлдан озиб қилаётган жиноятлари эмасми, ахир?

Қўшма Штатлар Кубага қарши интервенция ташкил қилди. Жаҳон жамоатчилиги бу интервенцияга эрксевар халқларга очиқдан-очиқ қилинаётган дағдаға деб, ялпи тинчликка қарши Кариб денгизи районида қилинган хатарли иғвогарлик, деб тўғри баҳо берди. Янги турмуш қураётган Куба Латин Америкасидаги бошқа мамлакатлар учун ўрнак бўлиб қолади, деб АҚШ монополиялари қўрқмоқдалар.

Куба халқи тиз чўкмади ва тиз чўкмайди. У, ажнабий золимларга ва уларнинг кўмакчиларига қарши курашнинг шиддатли мактабини ўтди ва ўзининг янада қул қилинишига асло йўл қўймайди.

Куба халқи ўзи олиб бораётган муқаддас курашда ёлғиз эмас. Социалистик давлатлар эрксевар кучларнинг ҳаммаси билан биргаликда Куба халқи билан ўзларининг бирдам эканликларини билдирдилар.

Кубага қилинган қуролли босқинчилик муносабати билан СССР ҳукуматининг эълон қилган Баёноти ва СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президентига юборган мактуби Куба халқининг ўз мустақиллиги учун олиб бораётган курашига зўр мадад берди, империалистик агрессорлар учун жиддий огоҳлантириш бўлди.

Қаҳрамон Куба халқи интервенциячиларни ўз миллий қаҳрамони Фидель Кастро раҳбарлигида янчиб ташлади. Куба халқи ўзининг янги турмуш қуриш учун ҳуқуқини сақлаб қолишга қаттиқ бел боғлаган.

Барча совет кишилари Куба халқини империализм кучлари устидан қозонган бу катта ғалаба билан қизғин қутлайдилар.

Коммунистлар шунга асосланиб иш олиб бормоқдаларки, ҳар бир халқ ўз мамлакатининг ички тузилиши масаласини ўзи ҳал қилишга ҳақлидир. Коммунистлар революцияни экспорт қилишни инкор қиладилар, лекин контрреволюциянинг экспорт қилинишига ҳам қатъий равишда қаршидирлар. Ленин неча марталаб уқтириб айтган эдики, ҳеч бир халққа ҳар қандай «бахтиёрликни» зўрлаб қабул қилдириш мумкин эмас. Коммунистик ва ишчи партиялар Лениннинг бу кўрсатмаларига амал қилиб,ўз мустақиллиги ва янги ҳаёт қуриш учун курашаётган ҳар қандай мамлакат халқининг ишларига империалистларнинг аралашаётганлигига қатъий зарба беришни ўзларининг интернационал бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Кубадаги, Конгодаги, Лаосдаги воқеалар халқларга империализмнинг кирдикорларига нисбатан хушёр бўлиб туриш, эрксевар халқларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш зарурлигини ўргатмоқда.

Ернинг айланишини тўхтатиб қола оладиган куч табиатда бўлмагани каби, империалистик зулм системасининг қонуниятли равишда ҳалок бўлаётганлигини тўхтатиб қола оладиган куч ҳам йўқ.

Империалистлар реакциянинг ҳамма кучларини антикоммунизм байроғи остига тўплашга уринмоқдалар.

Антикоммунизм ҳақиқатда монополистик капиталнинг энг агрессив ва очкўз доиралари ҳукмронлигини ҳимоя қилиш демакдир, барча демократик кучларга ҳужум қилиш, диктаторлик, қонхўрлик режимларини ўрнатиш ва ошкора қувватлаш демакдир.

Антикоммунизм —реакциянинг, милитаризмнинг ва уруш тайёргарлигининг байроғидир. Антикоммунизм байроғи остида зўр бериб қуролланиш авж олдирилмоқда, агрессив НАТО блокини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат ўтказилмоқда. Ғарбий Германияни Европадаги уруш хавфининг асосий манбаига айлантираётган ғарбий герман реваншчилари бу блокда тобора катта роль ўйнамоқдалар.

Ўз кучига ва қудратига ишонган социалистик мамлакатлар империалистик агрессия ва ҳарбий авантюралар сиёсатига ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш сиёсатини қарама-қарши қилиб қўймоқдалар. Ленинизм ҳозирги замоннинг энг зарур проблемасини — тинчлик проблемасини ҳал қилиш йўлини кўрсатиб бермоқда.

Тинчлик учун буюк курашчи Н. С. Хрушчев қайта-қайта уқтириб айтдики, ҳозирги вақтда жаҳон тараққиётининг фақат иккита йўли бор: ё социал системалари турлича бўлган давлатлар бирбирлари билан тинч-тотув яшашлари керак, ёки қирғин ракета-ядро уруши бўлади. Учинчи йўл йўқ!

Бизнинг тинчлик учун олиб бораётган курашимиз вақтинча тактика усули эмас, балки СССР ташқи сиёсатининг социализмнинг ўз моҳияти билан белгилаб бераётган бош йўлидир.

Партия XX съездининг, ҳозирги даврда урушларнинг олдини олиш мумкин, деган хулосаси халқаро аҳволни, тинчлик кучлари билан уруш кучларининг нисбатини чуқур анализ қилишга асосланган хулосадир.

Бу хулосанинг тўғрилигини ва ўз вақтида чиқарилган хулоса эканлигини турмушнинг ўзи исбот этди.

Жаҳон социалистик лагерининг, барча мамлакатлардаги ишчиларнинг, миллий озодлик ҳаракатининг ва барча тинчликсевар кучларнинг ғайрат ва кучларини бирлаштириб, империалистларнинг агрессив кирдикорлари пайини қирқиш, уларни ҳарбий авантюралардан воз кечишга мажбур қилиш мумкин.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар тинч-тотув яшашга, барча низоли халқаро масалаларни музокаралар олиб бориш воситаси билан ҳал қилишга, барча мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ленинча йўлни ўзларининг ташқи сиёсатларида оғишмай ўтказмоқдалар.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш тинчликнинг энг мустаҳкам гарантиясидир, буни Ленин социализмнинг идеали деб айтган эди.

Бизнинг ҳукуматимиз қаттиқ халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини кўтариб чиқди, халқаро вазиятни юмшатишга қаратилган бир қанча муҳим таклифлар киритди.

Бироқ, империалистик доиралар ўзларининг агрессив сиёсатларини ўтказа берар эканлар, социалистик мамлакатлар империалистик давлатлар томонидан қилинаётган ва кучайиб бораётган ҳарбий тайёргарликларга индамай қараб туролмайдилар, буни Варшава шартномасининг қатнашчилари бўлган давлатларнинг Сиёсий Консультатив Комитети уқтириб ўтди.

Социалистик давлатлар ўзларининг мудофаа қобилиятларини янада мустаҳкамлаш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўравередилар.

Социалистик мамлакатларнинг тинчликсевар ташқи сиёсати жаҳон жамоатчилиги орасидаги жуда кенг табақаларнинг меҳрини ўзига тортмоқда, халқларнинг тинчлик учун, империализмга қарши курашига жуда катта сафарбар қилувчи таъсир ўтказмоқда.

Ташқи сиёсатимизнинг кучли ва самарали бўлишини таъминлаётган жуда чуқур манба ҳам шундан иборатки, бу сиёсат барча мамлакатлардаги халқ оммасининг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган сиёсатдир.

Социализм инсоният олдида тинчлик ва эркинликнинг мустаҳкам таянчи бўлиб турибди, халқларни ядро-ракета урушининг даҳшатларидан сақлаб қола оладиган куч бўлиб турибди.

Тинч-тотув яшаш йўли ер юзидаги аҳолининг жуда катта кўпчилигини тинчлик душманларига қарши курашга жипслаштиришга ёрдам бермоқда, коммунистик ва ишчи партияларнинг, жаҳон социализм системасининг обрўйини ва таъсирини тағин ҳам кўпроқ ўстиришни таъминламоқда.

Ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг жанговар штаби — атоқли ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитет Ватанимизни улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан ишонч билан олға бошлаб бормоқда.

Мамлакат ва партиянинг бутун ҳаёти, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, ижтимоий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида партиянинг ўтказиб келаётган барча жуда катта тадбирлари, жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай олиб бораётган бутун курашимиз ленинчи Марказий Комитетимиз ва партия Марказий Комитетининг Биринчи секретари Никита Сергеевич Хрушчевнинг толмас, кўп қиррали фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Никита Сергеевич Хрушчев жуда кенг омма билан чамбарчас боғланганлиги, ўзининг жуда катта турмуш ва революцион тажрибаси, янгиликни кўра билиши ва янгиликка турмушда кенг йўл очиб беришга моҳирлиги билан партия ва халқ ичида юксак ишонч ва обрўга сазовор бўлди.

Партия ва халқ ўртоқ Хрушчевни Лениннинг ўлмас ишларини муносиб давом эттирувчи киши деб билади.

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 91 йиллиги нишонланаётган бугунги кунда совет халқи, бутун прогрессив инсоният Лениннинг улуғ ақл-заковати олдида бош эгадилар, уни ўзлари учун йўлбошчи ва устоз деб билиб, зўр муҳаббат ва миннатдорчилик билан ҳурматлайдилар.

Яхши нарсаларнинг ҳаммаси, инсониятда бўлган улуғ фазилатларнинг ҳаммаси Ленинда, ленинизмда ўз ифодасини топди.

Алексей Максимович Горький Ленин туғилган куннинг эллик йиллигида гапириб, шундай деган эди: Одамлар борки, уларнинг аҳамиятини инсон яратган сўз билан ифодалаш қийин гап. Владимир Ильич фақат Россия учунгина эмас, шу билан бирга бутун дунё учун, бутун планетамиз учун ҳам мана шундай кишидир.

Ленин — янги дунёнинг тимсолидир!

Совет кишилари Ленин номи билан коммунизм қурмоқдалар.

Социализм қураётган қардош мамлакатлар Ленин номи билан ғалаба қозонмоқдалар.

Барча коммунистик ва ишчи партиялар Ленин номи билан тинчлик, демократия, социализм учун, Ер юзида инсоннинг бахтиёр бўлиши учун кураш олиб бормоқдалар.

Ленин ҳамиша биз билан бирга. Ленин билан бирга биз бўлажак коммунизм жамиятига кирамиз.

Яшасин давримизнинг, коммунизм тантанаси даврининг ғолибона байроғи — ленинизм!

Доклад қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди. Доклад тамом бўлгач, тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб, партия гимни «Интернационал»ни ижро этдилар.

Ленинизм—халқлар дўстлиги, тинчлик ва социализм учун кураш байроғи

Халқларнинг Маркс, Энгельс, Ленин кўрсатиб берган улуғ мақсад сари — коммунизм сари қилаётган ҳаракати бизнинг замонамизда енгилмас куч бўлиб қолди.

Бир вақтлар ленинизм душманлари марксизмни фақат русларга хос бўлган ҳодиса қилиб кўрсатишга, уни миллий чегаралар билан чеклаб қўйишга уринган эдилар. Лекин бу уринишлар беҳуда бўлиб чиқди. Қуёшни сўндириш мумкин бўлмаганидек, Ленин ғояларининг ёйилиб боришини ҳам тўхтатиб бўлмайди.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1960 йил ноябрдаги Москва Кенгаши ижодий марксизм-ленинизмнинг тантанасини янги куч билан намойиш қилди.

Кенгаш кейинги вақтлардаги энг катта сиёсий воқеа бўлди, жаҳон коммунистик ҳаракатининг муваффақиятларини, унинг жипслиги ва бирлигини кўрсатувчи янги ёрқин далил бўлди.

Бу Кенгаш инсоният олдида турган туб проблемаларни ҳал қилиш тўғрисида коммунистлар жуда катта ғамхўрлик қилаётганликларини яққол кўрсатди.

Коммунизм инсониятнинг энг юксак, энг инсонпарвар идеалларини ифодалаётганлигини, коммунистлар урушларнинг олдини олиш ва урушларни абадий йўқотиш учун курашда олдинги сафдаги байроқдорлар эканлигини бутун дунё халқлари кўриб турибдилар.

ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ФАН СОҲАСИДАГИ КЎЗГА КЎРИНГАН АСАРЛАР УЧУН ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ

Фан ва техника соҳаларида Ленин мукофотлари комитети раисининг ўринбосари академик А. И. БЕРГ билан суҳбат

Фан ва техника соҳасида энг кўзга кўринган асарлар 1961 йилги Ленин мукофотларига сазовор бўлди. Бу юксак мукофот бизнинг мамлакатимизда фан нақадар фахрли ўрин олиб турганлигини ҳамда партия ва ҳукумат фан ва техникани тараққий эттириш тўғрисида нақадар зўр ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатади. Бу — чинакам ленинча ғамхўрликдир.

Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги қарор одамнинг жаҳонда биринчи бўлиб космик фазога учганлиги тўғрисидаги таассурот ҳали эсдан чиқмаган, совет олимлари ва конструкторлари қилган жуда улуғ шижоат ва қаҳрамонлик тўғрисидаги таассурот ўзининг янгилигини ҳали йўқотмаган кунларда эълон қилинди. Инсоният цивилизацияси тарихига янги порлоқ саҳифа ёзилди. Бу — Коммунистик партия раҳбарлик қилиб турган бутун совет халқининг муваффақиятидир. Совет Иттифоқида фаннинг асосий тармоқлари юксак даражада ривожланганлигини кўрсатувчи далилдир.

Жаҳон фанига хусн бўлиб турган номлар туркумида академик Абрам Федорович Иоффенинг номи ҳамманинг тақдирига сазовор бўлди. Унинг фан оламида катта из қолдирган ижодий фаолиятининг кўп йиллари чала ўтказгичларнинг хоссаларини тадқиқ қилишга бағишланади.

У, ўз умрининг охирги ўн йилида чала ўтказгич термо элементларни энергетика соҳасида қўлланиш проблемаларига кўп эътибор берди. Механизмлар ва машиналар иштирокисиз иссиқлик энергиясини электр энергиясига бевосита айлантириш имкониятларини очиб берувчи чексиз истиқболлар унинг эътиборини жалб қилди.

У, СССРда чала ўтказгич термо элементларни энергетика соҳасида қўлланиш йўлида олиб борилаётган ҳамма ишларнинг илмий ташкилотчиси бўлиб қолди, термо электрик генераторлар назариясининг физик асосларини ва уларни ҳисоблаб чиқиш методларини ишлаб чиқди.

Академик А. Ф. Иоффе илмий ижодкорлигининг энг муҳим натижалари қаторида шуларни кўрсатиб ўтиш керакки, у иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантирувчи алоҳида турдаги айлантиргичлар — вакуумли ва плазмали айлантиргичлар назариясини яратди. Олим шундай элементлар ёрдами билан иссиқлик энергиясини электр энергиясига бевосита ва арзон йўл билан айлантириш мумкингина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ҳозирги энг яхши иссиқлик электр станцияларида бўлганидан қолишмайдиган фойдали иш коэфициенти олиш мумкинлигини ҳам кўрсатди.

Мутлақо равшандирки, А. Ф. Иоффенинг кашфиётлари жуда катта назарий аҳамиятга ва халқ хўжалик аҳамиятига эга. Бу кашфиётлар Ленин мукофоти билан ҳақли равишда тақдирланди.

Жаҳонда етакчи ўринни олган совет математика мактаби Ленин мукофоти лауреати деган юксак номга муносиб бўлган кишини бу сафар ҳам ўз орасидан етказиб берди. СССР Фанлар академиясининг В. А. Стеклов номидаги математика институтининг старший илмий ходими, физика-математика фанлари доктори М. М. Постников шундай юксак номга сазовор бўлди. Унинг узлуксиз тасвирларнинг гомотоп (деформация) назариясига доир ишлар цикли халқаро миқёсда эътироф қилинди. Бу соҳада Постниковнинг «Натуран системалари» деб аталган назария алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу системалар ёрдами билан узлуксиз тасвирлар назариясининг ҳар қандай масаласини, ҳар ҳолда принцип жиҳатидан, бирмунча алгебраик масалага айлантириш мумкин. М. М. Постников шу системага асосланиб, жумладан бир қанча ҳолларда узлуксиз тасвирларни туркумлаш имкониятига эга бўлди.

Академик Н. М. Страхов чўкмаларнинг пайдо бўлиш процесси назариясини ишлаб чиқди. Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу назария академикнинг «Литогенез назариясининг асослари» деган икки томлик монографиясида баён қилинди. Олим шу асари учун Ленин мукофотига сазовор бўлди. Жаҳондаги геологияга доир адабиётда бундай асар шу вақтгача бўлмаган эди. Бу асарда ҳозирги замондаги чўкмалар тўпланишининг ва тоғ жинслари пайдо бўлишининг асосий типлари аввал бошдан қай тарзда вужудга келганлиги, булар планетамиздаги айрим зоналарнинг хусусиятларига боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилди. Бу асарда алюминий, темир ва марганец рудалари, кўмир ва ёнувчи сланецлар, фосфоритлар, карбонатли ва кремнийли жинслар мана шу ётқизиқларда қандай шароитда вужудга келиши батафсил баён қилиб берилди. Мутлақо равшандирки, бу монография илмий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари, турли конларни қидириш соҳасида ишловчилар учун қимматли қўлланма ҳамдир.

1961 йилги Ленин мукофотларини бериш тўғрисидаги қарорда Ленинград давлат университети профессори А. В. Ивановнинг жуда катта иши биология фанига зўр ҳисса қўшган иш деб тақдирланди. А. В. Иванов жониворларнинг янги типи бўлган погонофорни топди ва тасвирлаб берди.

«Витязь» илмий тадқиқот кемасининг экспедицияларида 1949 йилдан бери қатнашиб келаётган А. В. Иванов мана шу қадимий денгиз жониворларининг катта коллекциясини тўплади, бу жониворларнинг табиати нимадан иборат эканлигини аниқлади. Бу билан совет олими жониворлар оламининг эволюциясидаги яна бир бўғинни топиб ўрнига қўйди.

А. В. Иванов погонофорларни ўрганишни давом эттириб, бир қанча тадқиқотларни эълон қилди. Бу тадқиқотлар чет эллардаги зоологларнинг эътиборини дарҳол ўзига жалб қилди ва жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинди. Сўнгра олим ўн йилдан кўпроқ давом этган ўз кузатишларининг ҳаммасини якунлаб, «Погонофорлар» деган илмий асарда баён қилди. Бу монографиянинг вужудга келганлиги фан соҳасида ҳеч шубҳасиз катта воқеа бўлди.

Тарихчимиз академик Вячеслав Петрович Волгинни билимлар хазинаси деса арзийди. Унинг социалистик идеялар тарихига бағишлаб бутун умр бўйи ёзган асарлари шу қадар катта аҳамиятга эгаки, буни бир неча сўз билан айтиб бериш қийин гап. Бу асарлар «Францияда XVIII асрда ижтимоий тафаккурнинг ривожланиши» деган китобда якунланди, шунингдек «Илмий социализм ўтмишдошлари» деган серияда эълон қилинди. Олимнинг асарлари социалистик идеялар унчалик равшан бўлмаган социалистик орзулардан қонуниятли равишда ривожланиб бориб, илмий коммунизм назарияси вужудга келганлигини бирма-бир яққол кўрсатиб берди.

Совет медицина фани инсониятга хизмат қилишдек олижаноб идеяларни амалга ошириб кейинги вақтларда жуда катта кашфиётлар билан бойиди, илгари тузатиб бўлмайди деб ҳисобланиб келган оғир касалликларни даволашнинг янги йўллари ва методларини кўрсатиб берди.

Атоқли медик олимларимизнинг бир группаси Ленин мукофоти билан мукофотланганлигини халқимиз мамнун бўлиб кутиб олади. Медицина фанлари докторлари Н. М. Амосов, Н. В. Антелава, Л. К. Богуш, И. С. Колесников, Б. Э. Линберг, В. И. Стручков, Ф. Г. Углов ўпка касалликларини хирургия йўли билан даволашнинг оригинал методларини ишлаб чиққанликлари ва медицина практикасига кенг жорий қилганликлари учун Ленин мукофотига сазовор бўлдилар. Тадқиқотчиларнинг бу ажойиб коллективида қатнашган ҳар бир олим ватанимизнинг илғор медицина фани назариясига ва практикасига бебаҳо ҳисса қўшди.

СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Н. В. Коновалов ҳам халқ ўртасида ном чиқариб катта хурмат қозонган олимдир. Унинг «Гепатс—церебрал дистрофия» деган илмий асари Ленин мукофоти билан муносиб равишда тақдирланди. Профессор Н. В. Коновалов кенг миқёсда биохимик тадқиқотлар ўтказиш натижасида гепато «церебрал дистрофиянинг пайдо бўлишини янгича талқин қилиш имкониятига эга бўлди. У, сира тузалмайдиган касаллик деб ҳисобланган бу касалликни ўз мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тиолли припаратлар билан даволаш методини ишлаб чиқди. Бу олимнинг фидокорона меҳнати ва таланти туфайли қанча-қанча кишилар ўз дардига шифо топди!

Ленин мукофотлари совет фанининг обрўсини яна ҳам баланд кўтаради. Шу билан бирга бу мукофотлар олимларимизни халқнинг бахт-саодати йўлида, ер юзидаги ҳамма одамларнинг бахт ва иқболи учун янгидан-янги зўр ишлар қилишга чақиради. (ТАСС).

Адабиёт, санъат, публицистика соҳасидаги энг кўзга кўринган асарлар

Адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитетининг раиси Н. С. ТИХОНОВ билан суҳбат

— Комитет 1961 йилда Ленин мукофотлари бериш учун тақдим этилган асарлардан қараб чиқиш учун даставвал 61 номзодни қабул қилди. Сўнгра муҳокама қилиш учун 29 номзод қолдирилган эди. Уларнинг рўйхати ўз вақтида газеталарда эълон қилинган эди.

Ўтган йилларда бўлгани сингари, комитет тақдим этилган номзодларни муҳокама қилишда энг актив суратда иштирок этиш ҳақидаги илтимос билан совет матбуоти органларига ва жамоатчиликка мурожаат қилди. Минг-минглаб ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг вакиллари, Совет Армиясининг жангчилари бу чақириқни қўллаб-қувватладилар. Матбуот ана шу соҳада катта роль ўйнади.

1961 йилда Ленин мукофотини олишга мушарраф бўлган асарлар — энг хилма-хил санъаткорларнинг энг кўзга кўринган асарларидир. Бу асарлар замонамизни акс эттиришнинг хилма-хил усулларидан яққол далолат бергани ҳолда кўп миллатли совет адабиёти ва санъати тараққиётининг бирлигини таъкидламоқда.

Александр Твардовскийнинг «Йироқ-йироқлар» номли китобига Ленин мукофоти берилди. Бу китоб—ажойиб шоирнинг ўн йил давомида олиб борган ишининг натижасидир. Йўллар, бепоён ва чексиз олисликлар образи — халқнинг коммунизм сари ғолибона ҳаракатининг образидир. Поэма ҳаёт ва инсон ҳақидаги ўйларнинг якуни, шоирнинг ахлоқ ва ҳаёт соҳасидаги улкан тажрибасининг якунидир. Бахт-саодат манбаи, совет кишисининг ўз мамлакати ҳамда ўз халқи билан ягона ҳаётда яшашнинг бирдан-бир имконияти бўлган ижодий меҳнат темаси поэмада марказий ўрин тутади. «Йироқ-йироқлар» поэмаси миллионлаб совет китобхонларига яхши таниш бўлиб, уларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган асардир.

Александр Прокофьевнинг «Саёҳатга таклиф» номли шеърлар китоби ҳам юксак мукофотга сазовор бўлди. Бу китоб мамлакатнинг ана шу ўзига хос шоири ижодиётида янги босқичдир. Александр Прокофьевнинг шеърлари ҳам кенг китобхонлар оммасига манзур бўлган.

Украиннанинг атоқли прозаиги Михаил Стельмахнинг эпик трилогияси Украина деҳқонларининг қарийб ярим аср давомидаги ҳаёти ва курашини акс эттиради. «Нон ва туз» романидаги воқеалар 90-йиллардан бошланиб, 1905 йил революцияси билан тугайди. «Одам қони—сув эмас» романида ёзувчи украин қишлоқларининг гражданлар уруши йилларида ер ва мустақиллик учун олиб борган курашини кўрсатади; М. Стельмах, «Улкан қариндош» романида Улуғ Ватан уруши даврини тасвирлайди. Трилогия китобхонга Украина тупроғи ва унинг кишилари қандай ўзгараётганлигини кўрсатади.

Журналистика ва публицистика соҳасида «Муз китоби» учун Эстония шоири ва ёзувчиси Йоханнес Смуулга Ленин мукофоти берилди. Бу китобни унинг ўзи «Антарктика сафари кундалиги» деб атади. Бу китобда Антарктикага океан кенгликларидан ўтган йўллар ҳақида, ҳар қандай жасоратга тайёр турган совет кишилари — олимлар ва тадқиқотчилар ҳақида ёрқин ва маҳорат билан ҳикоя қилинади. Смуулнинг китоби замонамизнинг чинакам қаҳрамонлари ҳақидаги ажойиб қиссадир.

Ғоят ёрқин ва ажойиб рассом Б. Пророковнинг урушдан кейинги давридаги ижодиётида тинчлик учун, империализмнинг йиртқич башарасини фош этиш учун кураш темаси асосий ўринни эгаллайди. Унинг истеъдоди, ўз кучи билан ғоят ҳайратда қолдирадиган ўткир истеъдоди ҳамманинг эътиборини ўзига жалб этди. Ўткир ва драматизмга тўла «Бу — такрорланмаслиги керак» деган суратлар серияси уруш йилларидаги жонли таассуротлар асосида ишланган.

«Менинг Ватаним» деган суратлар циклига ҳам Ленин мукофоти берилди. Бу суратлар ҳозирги замоннинг атоқли мастери М. С. Сарьяннинг қўллари билан яратилган. Бу рассомнинг ижодиёти ўз теварагидаги табиатнинг гўзалликлари ва инсон қалбининг бойликлари туйғулари билан тўлиб тошгандир. Рассом асарларининг декоратив очиқлиги, қуёшдек ёрқинлиги ажойибдир. «Менинг Ватаним» циклида Совет Арманистоннинг ана шу куйчиси истеъдодининг характерли хусусиятлари ғоят зўр тасвирий куч билан намоён бўлган.

Музика ижрочилиги соҳасида ажойиб пианиночи Святослав Рихтерга Ленин мукофоти берилди. Ўз истеъдодининг кучи жиҳатидан уни ўтмишнинг энг буюк пианиночилари билан бир қаторга қўйиш мумкин. Ғоят кенг репертуарнинг (Бахдан Шостаковичгача) мастери бўлган Рихтер совет авторларининг кенг равишда машҳур асарларининг ажойиб ижрочисидир. Святослав Рихтернинг санъати ўзининг гуманистик йўналиши билан, ғоят катта эмоционал куч ва динамиклиги билан, янгилик сари ҳормай-толмай дадил интилиши билан замонамизнинг энг яхши, илғор интилишлари билан ҳамоҳангдир.

Жаҳондаги энг йирик дирижёрлардан бири, классик мерос ҳамда замонавий музиканинг энг машҳур асарларининг ажойиб интерпретатори Е. А. Мравинский ҳам Ленин мукофоти олди. Унинг раҳбарлигидаги концертлар мазмундорлиги билан, зўр бадиий кучи билан, композитор фикрини чуқур очиб бериш билан, ижронинг нафислиги билан фарқ қилади.

Совет саҳнасининг энг атоқли мастерларидан бири СССР халқ артисти В. Н. Пашеннаянинг ижодиёти ҳам муносиб равишда Ленин мукофоти билан тақдирланди. Ғоят ёрқин ва кўп қиррали истеъдод, жуда катта жўшқинлик ҳамда ғоят теран самимийлик соҳиби бўлган бу артист мислсиз бадиий ўзига хослиги билан, типиклиги ва социал характеристикаларнинг ўткирлиги билан ҳайратда қолдирувчи образларнинг бутун бир галереясини яратди. В. Н. Пашенная ижросидаги Васса Железнова роли театр ҳаётининг чинакам воқеаси бўлиб қолди. Х. Вуолийокининг «Тош уя» пьесасидаги кекса уй бекаси Нискавуори образини талқин этиш ҳам В. Н. Пашеннаянинг жуда катта ижодий ишидир.

Кинематография соҳасида ёш режиссёр Григорий Чухрай томонидан қўйилган «Солдат ҳақида баллада» деган бадиий фильмга Ленин мукофоти берилди, Бу — оддий рус кишиларининг маънавий гўзаллиги ҳамда ахлоқий кучи ҳақидаги фильмдир.

Бу фильм Улуғ Ватан уруши йилларида солдат томонидан кўрсатилган кўзга кўринмас кундалик жасоратни тараннум этиб, гуманистик йўналиши билан совет кино санъатининг энг яхши традицияларини давом эттиради. Чухрай билан биргаликда ажойиб сценарий яратган кинодраматург Валентин Ежов ҳам «Солдат қиссаси» фильмининг муваффақиятини ҳақли равишда баҳам кўрмоқда.

Ленин мукофоти янги лауреатларининг рўйхати ана шулардан иборат. Турли истеъдод эгалари ва ижодий услубларининг хилма-хил бўлишидан қатъий назар, улар энг юксак талабларга жавоб берадилар.

Техникани янада тараққий эттириш учун

Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитети раисининг ўринбосари Ю. Е. МАКСАРЕВ билан суҳбат

Совет олимлари, инженерлари, ишлаб чиқариш новаторларининг катта группаси социалистик индустрияни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганликлари учун Ленин мукофоти лауреати деган юксак номни олишга муяссар бўлдилар. Уларнинг ишлари техникани янада тараққий эттириш йўлида, янги, катта қадам қўйиш имконини берди.

Бир группа нефть ва газ қидирувчилар — Г. Д. Ильин, К. И. Кийко, М. Р. Пустильников, С. Т. Коротков, А. В. Ульянов ва К. Ф. Кожемякинга Ленин мукофоти берилди. Улар 1956—1960 йилларда Краснодар ўлкаси территориясида газ тўпланган 11 йирик манбани топдилар ва текшириб аниқладилар. Бу манбалар ёқилғи балансини самарали қайта қуриш учун йирик база ва кимё саноати учун муҳим хом ашё манбаидир.

Бутуниттифоқ металлургия машинасозлиги илмий тадқиқот ва лойиҳалаш—конструкторлик институтининг, Урал машинасозлик заводи ҳамда бошқа завод ва муассасаларнинг бир группа ходимлари — А. Д.Кузьмин, Е. А. Жукевич-Стоша, Н. И. Крилов, Б. Ф. Кулик, М .И. Анфимов, А. В. Истомин, Н. А. Тишченко, Н. А. Риженколарга узлуксиз тайёрлайдиган 850/700/500 типовой станини яратганликлари ва мавжуд тайёрлаш станларининг иш унумини оширганликлари учун Ленин мукофоти берилди.

Совет Иттифоқида тайёрланган бу узлуксиз тайёрлаш стани ўз хусусиятлари жиҳатидан чет элларда, шу жумладан, АҚШда ва Германия Федератив Республикасида мавжуд бўлган ва янгидан қурилаётган станлардан устун туради.

Аньшань металлургия комбинатида (Хитой Халқ Республикаси), Бхиланда (Ҳиндистон) ва Новая Гутада (Польша) ўрнатилган бундай станлар юқори иш сифатларини кўрсатди. Прокатканинг катта тезлиги, шунингдек думалоқ профиллар тайёрлаш имконияти таъминланади. Шу етти йилликда узлуксиз тайёрлайдиган 850/700/500 станлари Совет Иттифоқининг тўртта металлургия заводи учун қурилади.

Кейинги вақтда бизда соатлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Ишлаб чиқаришнинг бу тармоғини автоматлаштириш ва механизациялаш соҳасида талайгина иш қилинди.

СССРда жаҳонда биринчи марта соатларни конвейер усулида йиғиш қўлланилди. Бир қанча технология процесслари ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Уларни амалга ошириш учун машина-ускуналарнинг янги хиллари яратилди.

Буларнинг ҳаммаси соат ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтиришга ва юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришишга имкон берди.

Соат станоксозлиги конструкторлик бюросининг, шунингдек соат заводларининг ходимларидан Г. И. Неклюдов, Б. С. Андреев, Е. Ф. Чучин, В. И. Шчадилов, Н. Н. Волков ва В. М. Кудрявцев соатлар ишлаб чиқариш учун автоматлаштирилган ускуналар яратганликлари ва жорий қилганликлари учун Ленин мукофоти олишга сазовор бўлдилар.

Қудратли гидрогенераторлар ва синхрон компенсаторлар учун кучли ҳаракат ҳосил қилувчи автоматик регуляторларни ишлаб чиққанлиги ва жорий қилганлиги учун Бутуниттифоқ электротехника институтининг ходими, техника фанлари кандидати Г. Р. Герценбергга Ленин мукофоти берилди.

Янги регуляторлар гидроэлектростанцияларнинг ишини анча мустаҳкамроқ қилишга ва электр симлари бўйича бериладиган қувватларни 8—10 процент оширишга имкон беради. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ электротехника институтида тайёрланган бу регуляторлар Волга ва Сталинград ГЭСларида ўрнатилган. Мавжуд маълумотларга кўра, бу хил регуляторлар чет элларда йўқ.

Озарбайжон ССРда денгиз нефть манбаларини комплекс равишда ўзлаштирганликлари учун Э. Н. Алихановга, А. М. Биландарлига, Б. А. Гаджиевга, М. Ж. Қосумзодага, И. П. Қулиевга, М. К. Мамедовга, З. И. Мелик-Тангиевга, Д. К. Мзареуловга, В. Ф. Негреевга ва Ф. И. Самедовга ҳам Ленин мукофоти берилди.

1950—1959 йилларда Каспий денгизида энг хилма-хил гидрометеорологик ва инженерлик-геологик шароитда орол типидаги бир неча юз доимий иншоотлар, 160 километрга яқин эстакадалар, нефть чиқариш хўжаликлари қурилди. Бундан ташқари, «Нефть тошлари»да, қирғоқдан 50 километр масофада жаҳон практикасида биринчи марта денгизда шаҳар қурилди.

В. Д. Будков, А. И. Гиллер, Л. А. Зиглин, А. Е. Ильин, И. М. Кратенко, Д. С. Кудинов П. Н. Пермяков, В. И. Русаков, В. Е. Сироткинлар Тула иқтисодий районидаги шахталарда тозалаш ишларини комплекс механизацияловчи воситаларни яратганликлари ва жорий қилганликлари учун мукофот олишга муяссар бўлдилар.

Маълумки, кўмир манбаларидан ер ости усули билан кўмир чиқарилганда кўмирни қазиб олиш ва тозалаш забойларидаги кон босимини бошқариш процесслари энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган процесслардир.

1959 йилда жаҳон практикасида биринчи марта «Тулауголь» комбинатининг шахталаридаги 27 тозалаш забойларида маҳкамлаш учун механизациялаштирилган кўчма иншоотлар қўлланилди, шундан кейинги йилда эса механизациялаштирилган маҳкамлаш иншоотлари ва комплекслари билан ускуналанган лавалар сони 2,5 баравар кўпайди.

Механизациялаштирилган маҳкамлаш иншоотлари юксак технологик-иқтисодий кўрсаткичларни ва ишларнинг хавфсизлигини таъминлайди, кўп материаллар тежаб қолинади. Бу иншоотлар «Тулауголь» комбинатининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари ўртасидагина эмас, балки бошқа йирик кўмир ҳавзаларида — Кузнецк, Иркутск, Приморье, Чита, Днепр ҳавзаларида ҳам маъқулланди. Бу ҳавзаларда ўтган йил «Мосбасс» типидаги механизациялаштирилган маҳкамлаш иншоотлар қўлланила бошланди.

«Лениногорск полиметалл комбинати конларида мажбурий блоклар қулатиш системасини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» номли асарнинг авторлари И. М. Малкин, В. Н. Бублис, А. Н. Жакуббоев, А. Ч. Мусин, Д. С. Кутузов, П. К. Халин, А. С. Травников, В. Г. Березалар ҳам Ленин мукофоти лауреатлари бўлдилар. Улар 1947 йилдаёқ Олтойдаги полиметалл конларидан бирида қаттиқ рудаларни қазишнинг бу жойлар учун янги бўлган системасини—мажбурий блоклаб қулатиш деб аталган системани жорий қила бошлаган эдилар. Бу система узлуксиз такомиллаштирилди. Натижада технология процессининг ҳамма босқичларида кон ишчиларининг меҳнатини максимал даражада механизациялаштириш ва маҳкамлаш ёғочлари сарфлашни энг кам даражагача етказиш мумкин бўлиб қолди.

СССР Қурилиш ва архитектура академияси Урал филиалининг, Львов политехника институти ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари — П. Р. Вейгель, А. К. Гайдук, Т. К. Гладковский, И. М. Илюхин, Ю. И. Лозовой, А. А. Марченко, В. Н. Масленников, А. К. Мкртумян, Э. Г. Ратц, Б. Я. Рискинд саноат ва граждан қурилиши учун ишлатиладиган олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкциялар арматураларини электр билан қиздириб таранглашнинг янги технологиясини ишлаб чиқдилар ва жорий қилдилар.

Арматурани таранглашнинг электротермик усули панеллар ва бошқа деталлар тайёрлашда қўлланилади. Олдиндан зўриқтирилган конструкциялар ишлаб чиқариш ўтган йил 800 минг кубометрга етди, бундан 750 минг кубометри электротермик қиздириш усулини қўлланиб тайёрланди.

Бу янгиликни қўлланиш халқ хўжалиги учун катта натижа берди. Умуман СССРда ёлғиз 1959 йилнинг ўзида 100 минг тоннадан ортиқ пўлат тежалди. Металл сарфлашни камайтириш ва арматуралашда камроқ меҳнат сарф қилиш йўли билан буюмларнинг қиммати 10—12 процент камайтирилди. Янги усулга чет элларда юксак баҳо берилди.

Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгашининг тақдимига мувофиқ, Г. Г. Агабальянц, С. А. Брусиловский, А. А. Мержаниан технология процессини автоматлаштирган ҳолда узлуксиз оқим билан шампань винолари ишлаб чиқаришнинг биохимик ва физик-кимё методларини ишлаб чиққанликлари ва саноатга жорий қилганликлари учун Ленин мукофоти лауреати бўлдилар.

Илгари шампань винолари шиша (француз) усулидагина ишлаб чиқарилар эди. 300 йилга яқин давом этиб келган бу усул техника жиҳатидан жуда примитив бўлиб, технология цикли уч йилдан ортиқ давом этар эди, шу билан бирга кўп миқдорда — 20 процентгача вино нобуд бўлиб келган эди.

Узлуксиз оқим билан шампань винолари ишлаб чиқариш технология процессини контроль қилиш ва тартиблаштиришни комплекс автоматлаштиришга имкон беради.

Техника соҳасида 1961 йилги Ленин мукофотлари билан тақдирланган ишларнинг қисқача мазмуни ана шулардан иборат. (ТАСС).

Пахта ҳам, гўшт ҳам мўл бўлсин

☆ ☆ ☆

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Поп районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари Н. С. Хрушчевнинг Қозоғистон ССР қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида сўзлаган нутқидаги кўрсатмаларига амал қилиб, пахта етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда 1962 йилда ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 75 центнердан, қолган ярокли ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 16 центнердан гўшт (сўйилган вазнда) етиштирилишига эришиш мажбуриятини олдилар. Шу мақсадда улар экин майдонларининг структурасини ўзгартиришга, маккажўхори майдонини анча кенгайтиришга, силос бостириш учун думбул сўтаси билан ўриб олинадиган ва дон учун экиладиган маккажўхорининг ҳамда беданинг ҳосилдорлигини оширишга қарор бердилар. Мана буларнинг ҳаммаси колхозга 1961 йилдаёқ гўшт ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтириш имконини беради.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети гўшт ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан колхоз белгилаган тадбирларни маъқуллади ва область ҳамда район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги совхозлар Бош бошқармасига ҳамма колхоз ва совхозларда гўшт етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқишни яқин кунлар ичида тугаллаш вазифасини топширди.

Поп районидаги Ленин номли колхознинг социалистик МАЖБУРИЯТИ

Партия Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларида ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалик илғорлари зонал кенгашларида сўзлаган нутқларида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига жиддий вазифалар қўйилди.

Партия аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетиш учун аҳолига озиқ-овқат, енгил ва озиқ-овқат саноати учун хомашё етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришни талаб қилмоқда.

Бизнинг колхозимиз асосан пахта етиштиради. Ўтган йили колхоз ички ресурслардан фойдаланиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарди.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларидан, тарихда биринчи марта кишини космосга учирган совет халқининг мислсиз ғалабасидан бениҳоя руҳланган колхозимиз коллективи КПСС XXII съездини янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олишга қарор қилди.

Колхозимиз етти йилликнинг учинчи йилида 1490 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,9 центнердан ҳосил етиштириш, Ватанга 5050 тонна «оқ олтин» етказиб бериш, 1965 йилгача ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 2 центнер ошириш мажбуриятини олди.

Шу билан бир қаторда биз пахтакор хўжаликда ҳам ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 75 центнердан ва қолган ярокли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 16 центнердан гўшт етиштириш, шу йўл билан Н. С. Хрушчевнинг Қозоғистон қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида билдирган истагини амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Андижон область, Қўрғонтепа районидаги «Совой» совхози ҳамда Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози коллективларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ана шу кўрсаткичга икки йил мобайнида, яъни 1962 йилда эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда 1961 йилдаёқ 196 тонна гўшт (сўйилган вазнда) етиштириш, яъни қишлоқ хўжалигига ярокли ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 37 центнер гўшт шу жумладан ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 72 центнердан ва қолган ярокли майдонларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 14,3 центнердан гўшт етиштириш мажбуриятини оламиз. Давлатга тирик вазнда 160 тонна ёки 49,6 процент мол гўшти, 65 тонна ёки 20,2 процент чўчқа гўшти, 89 тонна ёки 27,6 процент қўй ва эчки гўшти 8 тонна ёки 2,6 процент бошқа хилдаги гўшт топширамиз. Бундан ташқари, колхозчиларнинг шахсий хўжаликлари бутун йил давомида ўттиз тоннага яқин мол ва қўй гўшти топширишлари мумкин.

1962 йилнинг охирига бориб колхоз гўшт етиштиришни тирик вазнда 216 тоннага етказади. Бу эса ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 78,1 центнер, қолган ярокли ерларнинг ҳар юз гектарига 16 центнер, колхоздаги ҳамма ерларнинг ҳар юз гектарига ўртача 41 центнердан тўғри келади.

Чорва моллар маҳсулдорлигини оширишда озуқа базасини мустаҳкамлаш, ем-хашакни кўп етиштириш ҳал қилувчи роль ўйнашини яхши биламиз. Гўшт етиштириш юзасидан олган мажбуриятимизни бажариш учун 3466 тонна озуқа бирлиги сарфлаш талаб қилинади. Бундан ташқари 880 тонна сут (ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 423 центнердан) етиштириш учун 1320 тонна озуқа бирлиги зарур бўлади. 1961 йилда 82,5 центнер жун олишни кўзда тутганмиз, бунинг учун эса, яна 1505 тонна озуқа бирлиги керак бўлади.

Тухум етиштириш учун 41 тонна озуқа бирлиги, иш ҳайвонларини боқиш учун 723 тонна озуқа бирлиги бўлиши керак. Шундай қилиб, колхозга жами 6655 тонна озуқа бирлиги миқдорида ем-хашак керак бўлади.

Озуқа етиштиришни кўпайтириш мақсадида Марказий Фарғонанинг Найман массивида маккажўхори майдонини кенгайтиришга ва суғориладиган, шунингдек, шартли суғориладиган ерларда озуқабоп экинлардан мўл ҳосил олишга қарор қилдик. 286 гектар бедпоянинг ҳар гектаридан 70 центнердан беда олмоқчимиз. Бу — 981 тонна озуқа бирлигига тенг. 200 гектар маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан думбул сўтаси билан 1000 центнердан кўкпоя ёки 3750 тонна озуқа бирлиги оламиз. 66 гектар ерда эса маккажўхори дон учун экилади. Бу ерларнинг гектаридан 50 центнердан дон олиш мумкин. Бу, 442 тонна озуқа бирлигига тенгдир. Бундан ташқари поясидан 126 тонна озуқа бирлиги олинади. 1962 йилда оқ жўхори майдони яна 50 гектар кенгайтирилади. Ҳар гектаридан 40 центнердан дон ва 500 центнердан кўкпоя олинади. Буларнинг ҳаммаси 619 тонна озуқа бирлигини ташкил этади.

Бундан ташқари 10 гектар ердаги боғ ва тутзорда дарахтлар орасига қанд лавлаги экиб, гектаридан 300 центнердан ҳосил олмоқчимиз. Шундай қилиб, яна 78 тонна озуқа бирлиги олиш мумкин. Табиий ўтлардан 1500 тонна пичан тайёрлаймиз, бу — 375 тонна озуқа бирлигига тенг келади.

Молларни яйловда боқиш — 876 тонна озуқа бирлигини тежаб қолиш имконини беради. Давлатга сотилган пахта учун бериладиган аралаш ем ҳисобига 285 тонна озуқа бирлигига эга бўламиз.

Шундай қилиб, 1961 йилда ҳаммаси бўлиб 6913 тонна, 1962 йилда эса 7532 тонна озуқа бирлиги олиш мумкин.

Бизнинг ҳисоб-китобимиз шуни кўрсатмоқда.

Мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун колхоз чорвачилигининг янада ривожланишига шароит яратади, 1961 йилнинг охирига бориб қорамоллар 1550 бошга (сигирлар 550 бошга), чўчқалар 290 бошга, қўй ва эчкилар 7900 бошга етказилади.

Биз подаларни янгилаб туриш учун ёш молларни ўстириш чораларини кўрамиз ва сигирларни кўпайтирамиз.

Бу йил ҳар юз бош сигирдан 95 бузоқ, ҳар бир асосий урғочи чўчқадан 25 бола, ҳар юз совлиқдан 110 тадан қўзи олиш кўзда тутилади.

Ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 70 бош қорамол, шу жумладан 27 сигир бўлишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Бўрдоқи пунктларида биоген стимуляторлардан ва ҳужайра препаратларидан кенг фойдаланамиз. Ҳар бир қорамолнинг бир кеча-кундузда 800-900 граммдан, чўчқанинг 600-800 граммдан семиришини таъминлаймиз.

Бу тадбирларни амалга ошириш натижасида чорва маҳсулотлари таннархи тахминан ўртача 10 процент арзонлашади.

Гўшт сотиш йиллик планини 1 Майга қадар, социалистик мажбуриятни эса партия XXII съездига қадар бажарамиз.

Маҳсулот таннархини камайтирамиз, 15200 сўм даромад оламиз.

Бу тузилган режалар ҳозир амалга оширилмоқда. 1962 йилнинг биринчи кварталида давлатга сотиш учун 300 бош бузоқ ўстирилмоқда ва семиртирилмоқда.

Сут-товар фермасида «арча» усулида сут соғиш майдончаси қурилди ва ишга туширилди. Ҳозир бу ерда 180 сигир соғиляпти.

Маккажўхорининг донидан юқори ҳосил олган колхозчилар қуйидаги миқдорда мукофот оладилар: гектаридан 30-40 центнердан дон олганлар ўн центнер дон таннархининг 20 проценти миқдорида, 40 центнердан 50 центнергача ҳосил олганлар ўн центнер дон таннархининг 30 проценти миқдорида; 50 центнердан ва ундан ҳам ошириб маккажўхорининг донини етиштирганлар эса ўн центнер дон таннархининг 40 проценти миқдорида мукофот оладилар.

Кўк пояни думбул сўтаси билан пландан ташқари етиштирганлар қуйидаги тартибда рағбатлантириладилар: гектаридан 800 центнердан 900 центнергача кўк поя олса, унинг юз центнери таннархининг 20 проценти миқдорида, 900 центнердан 1000 центнергача кўк поя олганлар унинг юз центнери таннархининг 30 проценти миқдорида; 1000 центнердан 1100 центнергача кўк поя олганлар бу поянинг юз центнери таннархининг 40 проценти миқдорида; 1100 центнердан ва ундан ошириб кўкпоя олганлар юз центнер кўкпоя таннархининг 50 проценти миқдорида мукофот оладилар.

Чорвадорлар молларни пландан ташқари семиртирганликлари учун шу планга қўшимча равишда семиртирилган гўшт таннархининг 40 проценти билан мукофотланадилар.

Биз мажбуриятимизни шараф билан бажариш ва коммунизм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшиш учун куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Поп районидаги Ленин номли колхоз аъзолари умумий йиғилишининг топшириғига мувофиқ: колхоз раиси **О. ОДИЛОВ,** партия ташкилотининг секретари **Т. УМУРЗОҚОВ.**

ТУРСУНОЙ, келинг мусобақалашайлик

Қадрли дугонам Турсуной! Барча совет кишилари етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, далаларимизда экиш қизғин тус олиб кетган шу кунларда Сизга ушбу мактуб орқали мурожаат қилиб, мусобақага чақиришга қарор қилдим.

Бу йил областимиз пахтакорлари мамлакатга 500 минг тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан социалистик мажбурият олганлар. Ана шу ҳосилнинг 150 минг тоннаси машиналарда териб олиниши лозим. Бу шарафли вазифани бажаришда асосий масъулият биз механик-ҳайдовчиларнинг зиммамизга тушади. Шу мақсадда, бир-биримиз билан мусобақалашиб ишлаб, умумий юксалишга эришиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мен механик-ҳайдовчилик касбини ўтган йили районимизда очилган курсда ўқиб, ўргандим. Ўзим 1947 йилдан буён бригадага бошчилик қилиб келаман. Машина ҳақиқатан ҳам жоннинг роҳати экан. Дастлабки йили бўлганлиги учун ХВС-1,2 машинасида 86 тонна пахта тердим.

Бу йилги аҳдимиз бошқача. Бригадамизнинг пахта майдони 150 гектарга етказилди. Шу ерларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан, жами бўлиб 375 тонна ҳосил йиғиб олишга бел боғлаганмиз. Шу ҳосилнинг 174 тоннасини машинада мининг ўзим териб олишга сўз бердим.

Мажбурият олиб, сўз бериб уни бажармасак, уят бўлади, албатта. Шунинг учун ҳам мўл ҳосилга ҳар тарафлама пухта замин ҳозирламоқдамиз. Ерламизнинг ҳаммаси кузда шудгор қилинган, ўғитланган. Дала чеккалари, карта четларини, ортиқча йўлларни ҳайдаб, тўла гектар бўлишини таъминладик. Ерни текислаш сифатини ўтказилди. Ҳар ёмғирдан сўнг намни сақлаб қолиш мақсадида бороналашга алоҳида эътибор бердик. Буларнинг ҳаммаси экишни тез ва сифатли ўтказишимизга имконият беряпти. 80 гектар еримизга 60х60 схемасида квадрат-уялаб чигит экилмоқда. Ўтган йили бир гектар ерга 120-140 килограммдан уруғ сарфланган эди. Бу маҳсулот таннархининг анча қимматлашишига олиб келди. Бу йил ана шу камчилигимизни ҳисобга олиб ҳар гектар ерга ўртача 70—80 килограммдан уруғ сарфламоқдамиз. Шу мақсадда 30 гектар ерга уяларга белгиланган миқдорда чигит ташлайдиган сеялкалар билан чигит экилади.



Бригадир, механик ҳайдовчи Ўртоқ Тожихон Дадаматова.

Ҳосил тупдан олинади. Биз буни жуда яхши биламиз. Олган мажбуриятимизни бажариш учун ҳар гектар ерда кам деганда 80—85 минг туп кўчат сақлаб қолиш учун қурашамиз. Дастлабки экилган ерларимизда квадратлар кўзга ташланиб қолди. Биз бу ерларга эртанидин ишлов беришга киришамиз. Шуни айтиш керакки, кўчатни нормал қалинликда бўлиши ва сақлаб қолиниши кўп жиҳатдан механизаторларимизнинг ишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз бригадамиздаги 3 механизаторга алоҳида-алоҳида карталарни биркитиб қўйганмиз. Улар бу карталарга ўзлари экишди. Ўзлари культивация қилишади. Ҳосилга бригадир билан тенг жавоб беришади.

Яна икки кундан кейин культивацияни бошлаб юборамиз. Шундан сўнг яганалашга тушамиз. Ҳар бир уяда учтадан кўчат қолдирилади. Механизаторларимиз Хасан Гараев, Жалил Мусақулов, Қурбон Пўлатовлар ҳар туп ғўзани кўз қорачиғидай асраб культивация қиладилар.

Ўтган йили бир қатор камчиликларга йўл қўйдик. Жумладан, сон орқасидан қувиб сифатга яхши эътибор берилмади. Бутун ғўза парвариши даврида ўсимлик беш-олти марта культивация қилингани билан ҳосил биз кутганчалик бўлмади. Ана шуни ҳисобга олиб бу йил ишнинг сифатига алоҳида аҳамият берамиз. Ғўзаларимизни бу йил уч марта кўндалангига, 4 марта узунасига культивация қиламиз. Биринчи парвариши 15—20 майгача тамомлашни мўлжаллаб қўйдик.

Культивация билан бир вақтда ғўзани бирйўла озиқлантирамиз. Масалан, биринчи парвариш вақтида ҳар гектар ерга 105 килограммдан селитра, 200 килограммдан фосфор, 400 килограммдан гўнг соламиз. Умуман ерни экишга тайёрлаш ва ғўза парвариши даврида ҳар гектар еримизга ўртача 210 килограммдан селитра, 460 килограммдан фосфор, 7-8 тоннадан маҳаллий ўғит ишлатамиз.

Бу йил машина теримига кенг йўл берилиши биздан ғўза парвариши даврида у ёки бу тадбирни амалга оширишда гоят ҳушёр бўлиш, ғўзанинг талаби, ернинг шароитига қараб иш олиб боришимизни талаб қилади. Биз суғориш культивация, озиқлантириш ишларини бир-бирига боғлаб олиб бориб, ғўзани машина теримига боб қилиб ўстирамиз ва дефолиацияни ўз вақтида ўтказиб, сўнг машиналарни ишга туширамиз.

Дугонам Турсуной! Бригадамиз аъзолари номидан ишонтириб айтамизки, биз экишни эрта-индин сифатли тугаллаймиз. Барча майдонларда чигитни бир текис ундириб олиб, ғўза парваришини қизитиб юборамиз. Менинг ўзим ҳам ғўза парваришида қатнашаман ва мавсумда 174 тонна пахта териш юзасидан олган мажбуриятимни шараф билан бажаришд ва КПСС XXII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаман.

Тожихон ДАДАМАТОВА,
Пискент районидаги «Пискент» совхози 4-бўлимининг бригада бошлиғи, механик-ҳайдовчи.



Агроном Абдукарим Ҳақназаров, бригадир Тожихон Дадаматова ўртоқлар унибчиққан ғўзани кўздан кечирмоқдалар.



Бригадада чигит экиш пайти. А. Абалин фотолари.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Қўриқ ўлканинг жуда катта имкониятларидан янада, тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш, қўриқ ерларни ўзлаштирувчи меҳнаткашларнинг уй-жой, маданий-маиший шароитини яхшилашнинг конкрет программасини ишлаб чиқдилар. Яқин йилларда қўшимча суратда 3,7 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга, 1961 йилда 130 совхоз ташкил этишга қарор қилинди. Қўриқ ерларда қарийб 5 миллион квадрат метр уй-жой, 140 минг ўринли мактаблар, болалар боғчалари ва яслилар, ошхоналар ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган объектлар қурилади. Бу улуғвор программани бажариш учун аввало, юқори малакали кадрлар керак.

ВЛКСМ Марказий Комитети 1961 йилда жамоат чақириғи йўли билан 15 минг ёш бинокорни Қозоғистон ССР Қўриқ ўлкасида совхозлар қуришга жўнатиш тўғрисидаги масалани қараб чиқди.

Қўриқ ерлардаги қурилишда комсомол ва ёшларнинг актив ишчиси, дейилади ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорида, совет ёшларининг катта ватанпарварлик иши бўлади, уларнинг дон, гўшт, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун кураш ишига қўшган конкрет ҳиссаси бўлади, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездига яхши туҳфа бўлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бу ташаббусни маъқулладилар.

ВЛКСМ Марказий Комитети комсомол ташкилотлари партия ва ҳукуматнинг юксак ишончини шараф билан оқлайдилар, Қўриқ ўлка қурилишларига комсомол ва совет ёшларининг энг яхши вакилларини юборадилар ҳамда бу билан қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съездини муносиб кутиб олиш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб қаттиқ ишонч билдирди.

Халқаро аҳвол

БМТ Бош Ассамблеясининг Сиёсий комитетида

НЬЮ-ЙОРК 21 апрель. ТАСС мухбири Г. **Васильев** хабар беради:

Бундан олдинги мажлислардагидек, бу гал ҳам мухбирларнинг кўпчилиги кеча Сиёсий комитет ўз ишини давом эттирган (кундузги мажлис) 4-залда бўлди. Меҳмонлар учун ажратилган галереялар одамлар билан яна лиқ тўлган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг йлпи мажлислари ва деярли ҳамма комитетларининг мажлислари бўлаётганига қарамай, Сиёсий комитет диққат марказида турибди. Бу комитет АҚШнинг Кубага қарши агрессив харакатлари ҳақидаги масалани муҳокама қилмоқда. Кўпгина мамлакатлар делегатларининг фош қилувчи нутқлари зарбасига учраётган Америка вакили Стивенсон ўнғайсиз ҳолга тушиб, ўз ўрнида типирчилаб ўтирди. Харбий блоклар бўйича АҚШнинг иттифоқчилари бўлган мамлакатлар—Италия, Австралия, Покистон вакиллари мушкул аҳволга тушиб қолган Америка делегатига ёрдамга келиб, Куба воқеаларининг аҳамиятини «ортириб кўрсатмасликка» даъват этдилар. Италия делегати Ортона Кубадаги воқеалар муносабати билан «ўз-ўзини чеклаб қўйган» АҚШ ҳукуматининг «олижаноблиги»ни мунофиқона мақташ билан шуғулланишдан кўра яхшироқ ишни ўйлаб чиқаролмади.

Латин Америкасининг Қўшма Штатларга қарам бўлган бир қанча мамлакатлари—Панама, Сальвадор, Перу делегатлари бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципига риоя қилиш зарурлиги ҳақида умуман гапирдилар. Улар АҚШнинг агрессияси тўғрисидаги масалани Америка давлатлари ташкилотига топширишни таклиф этдилар. Маълумки, бу ташкилотда Қўшма Штатлар тўла хўжайинлик қилмоқда.

Ғарбий ярим шардаги кичик мамлакатлар учун ўз жанжалларини Америка давлатлари ташкилоти доирасида ҳал этиш ва Қўшма Штатларга гап қайтармаслик зарурлигини исботлашга уриниб, Покистон вакили Ҳасан: «Агар балиқ билан қурбақа тинч яшашни истасалар, тимсоҳ билан дўст бўлишлари лозим» деган эски мақолни келтирди.

Мали Республикасининг вакили Умар Ли бу одамхўрлик «донишмандлиги»га зарба бериб, ўз мамлакатининг халқи империалистларга итоатгўйлик қилишга қарши эканлигини айтди. У Куба халқига қизғин хайрихоҳлик билдирди ва Мали Республикаси президенти Модибо Кейтанинг Куба халқи қаҳрамонона қурашини қатъий қўллаб-қувватлаганлигини билдириб, бош министр Кастрога юборган табрик телеграммаси текстини ўқиб берди.

Камбоджа делегати Нонг Кимни Кубага қарши қилинган ва халқаро тинчликка таҳдид солаётган агрессия муносабати билан Осиё халқларининг чуқур ташвишга тушганлигини айтди. У БМТ бир давлатнинг бошқа бир давлат ички ишларига аралашмаслиги принципини қатъий сақлаши лозим, деди.

Афғонистон вакили Пежвак ўз сўзида қонли агрессия ташкилотчиларини фош қилиб ташлади.

Энг охирда сўз олган Гватемала делегати Алехос Кубага қаердан бостириб кирилганлигини аниқлашни сўраганида ва Кубадаги жангларда совет, чехословак ва хитой харбий хизматчилари иштирок этган, деб бемаъни гапларни айтганида, делегатлар ва меҳмонлар истеҳзо билан кулиб юбордилар. Гватемала Кубага қарши агрессия қатнашчиларидан бири эканлиги ва бу мамлакатнинг территорияси Кубага ҳужум қилиш плацдармларидан бири бўлганлиги ҳозирги кунда ҳаммага яхши маълум.

Хитойда В. И. Ленин асарлари

ПЕКИН, 21 апрель. (ТАСС). Хитой китобхонлари бутун дунё меҳнаткашларининг буюк йўлбошчиси ва устози В. И. Ленин асарларини зўр қизиқиш билан ўқимоқдалар. Хитойда Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 91 йиллиги муносабати билан В. И. Ленин «Сайланма асарлари»нинг тўрт томлиги кўп нусхада қайта нашр этилади. Кўп нусхада чиқарилган Ленин сайланма асарлари тўрт томлигининг биринчи нашри Хитой меҳнаткашлари орасида жуда тез тарқалди, деб хабар қилади Синьхуа агентлиги. «Россияда капитализмнинг тараққиёти», «Нима қилмоқ керак?», «Материализм ва эмпириокритицизм» ва бошқа асарлар айрим нашрлар қилиб чиқарилди. Кейинги вақтларда Хитой нашриётлари «Ишлар тўғрисида», «Адабиёт ва санъат тўғрисида», «Халқ маорифи тўғрисида» Ленин мақолаларининг тўпламларини нашр этдилар.

Кубага қарши интервенция қандай тайёрланган эди?

НЬЮ-ЙОРК, 21 апрель. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Рестоннинг айтишига қараганда, «Кубада исён кўтариш пайти келганлигига амин бўлган марказий разведка бошқармасининг разведка маълумотларига асосланиб, президент Кеннеди контрреволюционерларнинг Кубага бостириб кириши тўғрисида қарор қабул қилган» эди. Рестоннинг айтишича, давлат секретари Раскнинг ва давлат секретари ўринбосари Боулснинг фикри, шунингдек иттифоқчилар разведкаси тўплаган маълумотлар марказий разведка бошқармасининг нуқтаий назарига тўғри келмай қолган бўлса ҳам, «Кеннеди бу келишмовчиликларни ҳукумат мажлисида ёки миллий хавфсизлик кенгашида муҳокама қилмай, марказий разведка бошқармасининг гапига қулоқ солди».

Энди, дейди Рестон, «Кеннедининг марказий разведка бошқармаси раҳбарларига бўлган ишончига очиқдан-очиқ путур етди, шунинг учун ҳам Кеннединнг бу бошқармага муносабати, ҳеч шубҳасиз, ўзгаради дейиш мумкин».

«Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Уоллес Керрол бундай деб ёзади: Кубада каттагина плацдарм вужудга келтиришда Кастронинг душманлари бўлган эмигрантларга ёрдам кўрсатиш планини марказий разведка бошқармаси Эйзенхауэр ҳукумати вақтидаёқ ишлаб чиққан эди. Бунга расмий ижозат берилган эди. Кўп ойлар давомида марказий разведка бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Ричард Бисселнинг умумий раҳбарлиги остида тайёргарлик ишлари олиб борилди. Эмигрантларга денгиздан десант тушириш операциялари, партизан уруши олиб бориш тактикаси ўргатилди, алоқа боғлаш машғулотлари олиб борилди ва эмигрантларнинг раҳбарларига, Қўшма Штатлар қулай шароит келганида десант тушириш имкониятини таъминлаб беради, деб тушунтириб қўйилди.

Кеннеди президентлик мансабига ўтирган вақтга келиб, бу лойиҳа анчагина катта тадбирлар комплекси бўлиб қолган эди. Керролнинг айтишига қараганда, Кеннеди бу лойиҳани амалга оширишни тўхтатиб қўядими, ёки уни давом эттирадими деган масала ҳукуматнинг энг юқори доираларида кўп ҳафталар давомида қизғин муҳокама қилийди, ҳатто марказий разведка бошқармасининг ўзида ҳам бу хусусда турли фикрлар бор эди».

Керрол яна бундай деб ёзади: «Айтишларига қараганда, марказий разведка бошқармасининг баъзи органлари разведканинг Кубадан юборган кейинги маълумотлари қўзғолоннинг муваффақиятли ўтишига умид тўғдирмайди деб ҳисоблаб юрган эдилар.

Бироқ Латин Америкасидаги аҳволни ўрганиш учун президент ҳузурида тузилган тадқиқот группасининг раҳбари Адольф Берли айтишларига қараганда, давлат департаментида бу лойиҳани амалга ошириш кераклигини талаб қилган».

Керрол яна давом этиб бундай деди: «Президентнинг дўсти сенатор Жорж Смазере (Флорида штатидан сайланган демократ) Кастро режимига қарши чиқишни кўпчилик олдида ҳам, маҳфий равишда ҳам талаб қилиб келди. Бироқ ташқи ишлар комиссиясининг раиси, Арканзасдан сайланган сенатор Фулбрайт Кеннедига маҳфий хат ёзиб, унга бундай ҳаракат қилиш хатарли эканлигини айтди».

Пировардида Керрол бундай деб ёзади: «Гарчи марказий разведка бошқармаси ўйнаган роль расмий равишда маъқулланган бўлса ҳам, энди президент Кеннеди бу бошқармани қаттиқроқ контроль остига олса керак. Бу бошқарманинг фаолиятини кузатиб турадиган «кузатувчи» комиссия тузилсин деган талаблар конгрессда яна кучайиши мумкин».

ШАХМАТ

Таль—Ботвинник

МОСКВА, 21 апрель. (ТАСС). Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун реванш матчининг 15-уйини Ботвинниккинг қўли баланд бўлган ҳолда кичиктирилди. Собиқ жаҳон чемпиони ўзининг 42-юришини ёзди.

* * *

22 апрелда кечиктирилган ўйин давом эттирилди. Бир неча юришдан сўнг М. Таль ўзининг енгилганини билдирди. Шундай қилиб ҳисоб М. Ботвинник фойдасига 10:5 бўлди.

Евгения Иосифовна Москалева

Шу йил, 22 апрелда ЎзССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер, Сталин номидаги пионерлар саройининг собиқ педагоги **Евгения Иосифовна Москалева** 64 ёшида тўсатдан вафот этди. У ўзининг меҳнат фаолиятини 1919 йилда Москвада «Журнал для хозяек» да бошлади. 1931 йилдан бошлаб ўқитувчилик билан шуғулланади. Евгения Иосифовна 1934 йилдан бошлаб эса Тошкентда ишлайди. У ўзининг бутун билимини, тажрибасини ёш авлодни тарбиялашдек олижаноб ишга бағишлади.

Евгения Иосифовна Москалеванн билган кишиларнинг ҳаммаси уни талабчан ва сезгир педагог, дўст сифатида хотирлайдилар. Унинг хотираси қалбимизда сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

ПОЛИОМИЕЛИТГА ҚАРШИ СОВЕТ ВАКЦИНАСИ ҲИНДИСТОНГА ТОПШИРИЛДИ

ДЕҲЛИ, 21 апрель. (ТАСС). Кеча СССР нинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов Ҳиндистон соғлиқни сақлаш министри Карамаркарга полиомиелитга қарши 100 минг доза вакцина топширди. Вакцина Андхра Прадеш штатида эмлаш ўтказишда фойдаланилади. Полиомилиетга қарши эмлаш ишлари Ҳиндистондаги Калавати Саран илмий практика педиатрия марказида ишлаётган совет врачлари ёрдами билан ўтказилади.

Ҳиндистон соғлиқни сақлаш министри Карамаркар вакцинани қабул қилиб олатуриб, вакцина берилганлиги ва у Совет Иттифоқидан Ҳиндистонга тез етказиб берилганлиги учун ва эмлаш ўтказилганда совет врачларининг ёрдами учун Совет ҳукуматига қизғин ташаккур билдирди.

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 21 апрель. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг Гамильтондан (Бермуд ороллари) хабар беришича, харбий маъмурлар Кубанинг «Кубана» авиатранспорт компаниясига қарашли бўлган ва Кинглидаги америка харбий ҳаво базасига қўнган самолётни мусодара қилганлар. Самолёт бортида 11 пассажир ва 14 кишидан иборат экипаж аъзоси бор эди. Буларнинг тақдири номаълум.

НАТОнинг ЯНГИ БОШ СЕКРЕТАРИ

ПАРИЖ, 21 апрель. (ТАСС). Голландиянинг НАТО кенгашидаги собиқ доимий вакили Д. У. Стиккер истеъфо берган Спаак ўрнига бугун расмий суратда НАТОнинг бош секретари лавозимига тайинланган.

Телевизор ЭКРАНИДА

23 АПРЕЛДА

12.00. Болалар бадиий ҳаваскорлиги кўригининг якунловчи концерти (Навоий номли театрдан), танаффус вақтида «Физкультура билан шуғулланинг».

18.30. Денгиз бўйидаги уй (болалар учун кинноочерк).

18.50. Сўнгги ахборот.

19.10. Асл ўғлим қани (ота-оналар учун киноҳикоя).

19.30. Концерт (Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган артист Лайло Шарипова иштирокида).

20.20. «Ўн иккинчи тун» бадиий фильм.

21.50. Ўзбекистон композиторларининг симфоник асарлари (Радио уйидан).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Тошкентнинг тамоша заларида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—23/IV да кечқурун **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/IV да **Гамлет**, 25/IV да **Фурқат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—23/IV да **Равшан** ва **Зулхумор.**

«СТАРТ» СТАДИОНИДА — 23/IV кеч соат 5 да «Б» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун: **«Копетдаг»** (Ашхобод) — **«Старт»** (Тошкент командалари ўртасида футбол.

КИНО

Ульяновлар оиласи — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Ленин йўлланмаси билан — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 ва кеч 8 да).

Саккизинчи эшик кенг экранли фильм). — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Тўғондаги ҳодиса — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Очилган кўприк (3-серия) — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун). «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

Ҳақиқат — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 5 да).

Намунали йигитлар—«ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 6 яримда).

Олтин юлдуз тақкан малика — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз 12, 3, кеч 8 ва 10 да).

Кўр ўғли (кенг экранли) — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8 ярим да 10-20 минутда).

Мичман Панин — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва кеч 5 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
2 майгача
қишки мавсумнинг ёпилиши олдидан
АРСЛОНЛАР
ЎРГАТУВЧИ
В. БОРИСОВ
гастролининг сўнгги кунлари.
Бугун тамошалар кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

Тошентдаги
4-ТИПО-ЛИТОГРАФИЯГА
малакали
цинкограф-травильщиклар
КЕРАК
Полиграф кўча, 74-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Тошкент шаҳар, Пахтакор кўча, 3-уйда турувчи **Владимир Дмитриевич Горовойнинг** Владивосток шаҳар, Загородная кўча, 40/1-уй, 6-квартирада турувчи Клавдия Афанасьевна Гороваядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Стрелковая кўча, 22-уй, 3-квартирада турувчи **Файя Георгиевна Попованинг** шу уйда турувчи Юзеф Семенович Розенбергдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Тошкент универмагида ва унинг филиалларида БАҲОР-ЁЗ МАВСУМИГА ҲАР ХИЛ САНОАТ ТОВАРЛАРИ СОТИЛАДИ
(шойи ва ип газламалар, тикилган буюмлар, пойафзал, заргарлик буюмлари, кун товарлар, турли каштa ва бадиий буюмлар, атторлик моллари ва упа-эликлар)

Янгийўл шаҳар, Ёғ заводи, 1-корпус, 18-уйда турувчи **Ҳайдар Абдувоҳидовнинг** Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов кўчаси, 328-уйда турувчи Тазима Маҳкамовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Қизил Қўшин кўча, Урсатьевский проезд, 14-уйда турувчи **Мажид Еқубович Акрамжоновнинг** Қорасарой кўча, 45-уйда турувчи Кира Акрамжонова (Розенберг)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район 3-участка халқ судида кўрилади.

Генерал Петров кўчаси, 19-уйда турувчи **Лариса Сергеевна Бурина (Коробчакова)**нинг Хоразм кўчаси, 39-уйда турувчи Геннадий Леонтьевич Буриндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136, Совет қурилиши бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими —29040, 135, Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132, Секретариат 34808, 115, Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50, Хатлар бўлими — 34048, 156, Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 02096. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1582.